

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

УДК

Магистратура бўлими

“Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси

МАВЛОНОВА ИРОДА ВАЛИЕВНА
“ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚИНИ
ЎСТИРИШДА ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”
мавзусидаги магистрлик диссертацияси

ДАКда ҳимоя қилишга рухсат
берилган

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ п.ф.д. проф. Н.А.Муслимов

“_____” июнь 2010 йил

Илмий раҳбар _____

ф.ф.н. А.Абдусаматов

“_____” июнь 2010 йил

Кафедра мудири _____

ф.ф.д. проф. Б.Тўхлиев

“_____” июнь 2010 йил

ТОШКЕНТ 2010

МУНДАРИЖА.

Кириш.....	3
I боб. Умумўрта таълим мактаблари ва академик лицейлар она тили дарсларида феъл нисбатларини ўқитиш методикаси.....	16
1.1. Феъл нисбатларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларининг таъминланиши.....	18
1.2. Феъл нисбатларини ўрганишда қўлланиладиган метод ва бериладиган топшириқлар тизими.....	35
II боб. Феъл нисбатларини ўрганиш жараёнида нутқ ўстириш самарадорлигини оширишдаги тажриба-синов ишлари.....	47
2.1. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш усуллари	51
2.2. Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш усуллари.....	60
Умумий хулоса	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	68
Иловалар.....	74

Кириш.

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг ислохотлар миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштирадиган, замон талаблари билан уйғунлаштирилган, жаҳон андозалари даражасига мос равишда ҳаётга татбиқ қилишга қаратилди. Зеро, келажак буюк давлатни барпо этишда янгича фикрлайдиган, юксак малакали ва чуқур билимли мутахассисларни, ёшларни, тайёрлаш давр талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланишни бошлагандан бери илм-фан ва миллий маданиятимизни ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” номли китобида таъкидлаганларидек: “Ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрнини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда”. [3]

Шу маънода президентимиз И.А.Каримовнинг “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш—устувор мақсадимиздир” ва “Асосий вазифамиз—ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузалари ҳам илм-фан ривожига катта омил бўлди.

Келажак авлодда умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларда миллий истиқлол ғоясини ривожлантиришда таълим тизимининг ўрни беқиёс. Зеро, «Ўз фикрини

мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни... бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин» [8. 9] деган сўзларни чуқур англаган ҳолда, таълим босқичларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш масаласи таълим тизимимизда илмий нуқтаи назардан ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири саналади. Айниқса, феъл нисбатларини ўрганиш жараёнида нутқий баркамолликни таъминлашнинг илмий педагогик асосларини яратиш, она тилидан феъл нисбатларини шу мақсадга бўйсундириш ҳозирда ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Чунки, она тили таълимнинг бугунги мақсади ўқувчиларни жамият аъзолари билан мулоқот, тил орқали алоқа қилишга, ўзгалар фикрини англаб, ўз фикрини тўла баён қилишга, том маънода коммуникатив фаолиятга тайёрлашга қаратилган. Феъл нисбатларининг ўқувчи нутқидаги аҳамияти беқиёс экан, демак уни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ҳам ўта муҳимдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш муаммолари ва уларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилишга оид илмий изланишлар А.Ҳожиёв, М.Асқарова, Ш.Шоабдурахмонов, Б.Тўхлиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудовларнинг педагогик кузатиш ва тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Бироқ умумўрта таълим мактаблари ва академик лицей ўқувчиларида феъл нисбатларини ўрганишда нутқ ўстиришнинг педагогик асослари илмий-методик жиҳатдан ўрганилмаган, шу сабабдан ҳам таълимнинг турли босқичлари ўқувчиларининг феъл нисбатлари воситасида нутқни ўстириш муаммоси ўз ечимини топмаган.

Нутқ ўстириш муаммоси методикадаги доимий равишда ўрганиладиган ва ўз долзарблигини йўқотмайдиган мавзу сифатида ҳар бир янги авлод учун кун тартибига янгидан қўйилаверади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунида белгиланган асосий вазифалар сифатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг

фикрлаш даражасини кенгайтириб, мустақил мушоҳада қилувчи, баркамол шахсни вояга етказишдек инсонпарвар ғояларнинг амалга ошишини таъминлаш мақсад қилиб қўйилганлиги бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей ўқувчиларининг нутқ маданиятини ўстириш давр талаби ҳисобланади.

Ўзбек тили мамлакатимизда яшовчи 130 га яқин миллатларнинг умумий ва ягона тили ҳисобланади. Бу тил ўзбек халқининг ўзаро алоқа ва фикр алмашув қуроли бўлган тилдир. Шу боисдан унга бўлган қизиқиш ва эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Хаётимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришлар, қудратли ислохотлар жараёни, узлуксиз таълим тизимидаги инновацияларнинг шиддатли равишда жадаллашуви нутқ ўстириш, кенг мушоҳада қилиш қобилиятини шакллантириш муаммоларини вужудга келтирмоқда.

Хуллас, бугунги таълим жараёнида мазкур масала ўз ечимини кутаётган масалалардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур диссертация ишимизнинг ҳозирда давлатимиз сиёсатининг муҳим бир қисмини ташкил этган ёшларни мустақил фикрлашга ўргатадиган мавзуга, яъни «Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда феъл нисбатларидан фойдаланиш» мавзусига бағишладик.

Тадқиқот ишимизнинг долзарблиги ҳам бу мавзунинг давр талаби эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг мақсади феъл нисбатларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ўрганиш ҳамда бунинг самарали йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Умумий ўрта таълим мактабларининг она тили таълими жараёнида феъл нисбатларини ўрганишда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқи устида ишлаш усуллари.

Тадқиқотнинг предмети. Таълим жараёнида феъл нисбатларини ўрганиш воситасида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ошириш ва ривожлантириш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

- умумий ўрта таълим мактабларида феъл нисбатларини ўрганишда нутқ ўстиришнинг мавжуд аҳволини таҳлил қилиш;
- тадқиқот мавзуси билан боғлиқ бўлган илмий педагогик адабиётларни ўрганиш;
- она тили ўқитувчиларининг феъл нисбатларини ўрганишда нутқ ўстириш юзасидан тўплаган бой тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш;
- феъл нисбатларини ўрганишда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришнинг самарали йўллари, воситалари ва усулларини аниқлаш;
- тавсия этилаётган методикани амалиётда синовдан ўтказиш ва унинг самарадорлик даражасини белгилаш;
- тадқиқ қилинаётган муаммога таъсир кўрсата оладиган илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш йўлларини белгилаш.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маънавият, маърифат ва умумбашарий кадриятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, миллий тил ва маданиятнинг ривожланиш тарихи, тараққий этиш йўллари ҳақидаги қарашлари; «Таълим тўғрисида» ги ва «Давлат тили» тўғрисидаги Қонунлари; Давлат таълим стандартлари; Республика халқ таълими вазирлигининг «Она тили таълими Концепцияси», тилшунос олимлар ва методист ўқитувчиларнинг илмий-педагогик ишлари методологик асос бўлди.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш билан узвий боғлиқ бўлган илмий-педагогик, оммабоп адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш, она тили дарсларини

кузатиш, тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, қиёслашдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбек тили ўқитиш методикасида феъл нисбатлари ўрганилди; уларни ўқитишда нутқ ўстиришнинг илмий-педагогик асосларини яратилди; феъл нисбатларини ўқитишда нутқ ўстиришга бевосита ёрдам берадиган янги педагогик технологияларини кўллашнинг самарали йўллари ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий - назарий аҳамияти. Тадқиқот натижасида она тили ўқитиш методикаси фанига оид назарий ва амалий тушунчалар аниқланди; ўқувчиларга феъл нисбатларини ўргатиш орқали ўқувчилар нутқини шакллантиришда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган Она тили дарсларини замонавий лойиҳалаш мезонлари ишлаб чиқилди; унинг мазмуни ва методикасига алоқадор муаммони ҳал этишнинг омиллари аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари фаолиятида; педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида; она тили ўқитиш методикасининг дастурини такомиллаштириш ва дарслик яратишда, кўлланмалар, методик тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Иш таълим босқичларида “Феъл”, “Феъл нисбатлари” мавзуларини ўқишда назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси ҳамда магистратура бўлими қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Мавзу юзасидан иккита илмий мақола нашр қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича Миробод туманидаги 93-мактаб педагогик кенгашида маъруза қилинди ва очик дарс ўтказилди. (очик дарс иловасига қаранг)

Диссертациянинг илмий - тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедрасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси асосида амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, икки боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Феъл нисбатлари ҳақида илмий-назарий маълумотлар ҳамда уларнинг тилшуносликдаги талқини ҳақида.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тили адабий тил сифатида шаклланганидан буён, уни ўрганиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Кўплаб монографиялар, диссертациялар ва оммабоп китоблар ёзилди. Ўзбек тилининг бир неча илмий-назарий грамматикалари яратилди, илмий мақолалар эълон қилинди. Натижада ўзбек тилшунослиги туркийшуносликнинг етакчи тармоғига айланди. Бугунги кунга келиб тилнинг кўпчилик грамматик категориялари А.Ҳожиёв, Ё.Тожиёв, Н.Маҳмудов, М.Асқарова, А.Нурмонов, М.Содиқова, О.Бозоров, Ш.Шукуров, Ж.Абдуллажонов, Т.Мирзақуловлар томонидан махсус ўрганилди.

Ҳозирда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда услубий ишланмаларда ҳам бунга алоҳида эътибор берилди бошланди.

Баъзи грамматик категориялар бир эмас, бир неча ишда махсус текшириш (тадқиқот) объекти қилиб олинди. Жумладан, феъл ва феълнинг майл, замон, нисбат категориялари бўйича ўндан ортиқ диссертациялар ҳимоя қилинган. Бундан 550 йиллар аввал А.Навоий ҳам ўзининг машҳур “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида феъл шаклларига алоҳида эътибор бериб, уларнинг маъно нозикликларини ўз асарида маҳорат билан кўрсатиб берган.

Ҳозирда ўзбек тилшунослигида, шунингдек, умумий тилшуносликда ҳам кўп ўрганилган, шу билан бирга, турли мунозараларга ҳам сабаб бўлиб келаётган категориялардан бири нисбат категориясидир. Ушбу категория тадқиқига бағишланган кўплаб илмий анжуманлар уюштирилди, бир қанча илмий тадқиқотлар яратилди. Илмий текшириш институтлари қошида ташкил этилган махсус гуруҳлар нисбат ва унга боғлиқ муаммолар билан

шуғулланди. Ўзбек тилшунослигида кейинги ярим аср мобайнида махсус ва умумий характердаги қатор тадқиқотлар юзага келди. [32, 34, 52, 56]

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунга келиб, нисбат категорияси, доимо у билан ёнма-ён тилга олинувчи ўтимли – ўтимсизлик, шунингдек, диатеза мазмуни ва мавқеини белгилашда турлича фикрлар бор. Жумладан, рус тилшунослигида унинг ўрганилиш тарихи жуда узоқ даврни ўз ичига олади. Рус тилшунослари нисбатга таъриф бериш ва тасниф қилишда ниҳоятда хилма-хил қарашларга эга бўлишган. Ўзбек тили учун мумкин бўлмаган вид ва нисбат категориясининг ўзаро боғлиқлиги масаласи алоҳида ўрганиб келинган. Мелетий Смотрицкий ва Ломоносов грамматикаларида нисбат ҳақида бирмунча кенг маълумот берилган.

К.Сулаймонова классик рус тилшунослигида нисбат категориясига берилган баҳоларни қуйидагича жамлайди. [56] Нисбатнинг феълда, умуман, морфологиядаги ўрнига, муносабатига кўра тилшунослар бу даврда уч гуруҳга бўлинади:

- 1) Нисбат феълда қатъий, ўзгармас. Маълум бир феъл муайян аниқ бир нисбатда туради. (Буслаев)
- 2) Умуман нисбат категория сифатида мажбурий ва изчил эмас. Уни ажратишнинг амалий аҳамияти йўқ. Исталган феъл исталган нисбатда тураверади, деб ҳисобловчилар. (В.И.Даль, Н. Г.Некрасов)
- 3) Нисбатнинг категориал мавқеини тан олувчилар. (Ф.Ф.Фортунатов, А.Потебня, А.А.Шахматов, В.В.Виноградов)

Ўзбек тилшунослигида нисбат категорияси борасида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар нисбатнинг турли жиҳатларига қаратилган. Нисбат шаклларининг келиб чиқиши ва бу категориянинг генезисига бағишланган тадқиқотлар мавжуд ва олиб борилмоқда. [62. 54-58]

Профессор Ҳ. Неъматов Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида мажхул нисбат (-)л-, (-)н-, баъзан –л/н қўшимчалари билан ясалади.

Бу қўшимча “Девон” да мажхуллик, медиаллик ва шахссизлик каби маъноларга эга эканлиги ҳақида айтиб ўтган. Олим –л (н) аффиксининг уч маъносидан фақат мажхуллик нисбат маънолари турига киради, холос,- деб айтиб ўтади. [36. 37-38]

Нисбат категориясининг бошқа категориялар билан муносабати моҳияти, категориантларнинг миқдори, таснифи, табиати алоҳида-алоҳида ва умумий тарзда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. [49, 69, 71]

Кейинги даврдаги тадқиқотларда нисбат шаклларининг гап структурасидаги ўрнига алоҳида эътибор берилмоқда. Нисбат ва диатеза муносабатларини ўрганиш нисбат категорияси тадқиқида алоҳида босқич бўлди. Жумладан, бу масала М.Аъламованинг “Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси”, А. Нурмонов ва бошқаларнинг ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси”, Ш.Шаҳобиддинованинг “Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши” номли авторефератида етарлича ёритиб берилган.

Тилшуносликнинг кўплаб соҳалари каби нисбат категорияси борасида ҳам қатор изланишларга йўл очиб берган профессор А.Ғуломов бу категория (даража атамасини ишлатади): “...ҳаракат субъекти ва объекти орасидаги муносабатни, уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатади [69. 58] -деб ҳисоблайди. Унинг бу фикри рус тилшунослигининг намоёндалари А.А.Шахматов, В.В. Виноградовларнинг залоғ борасидаги фикрлари билан ҳамоҳанг. Шу билан бирга бу фикрлар ўзбек тили табиатига мос тушади. Нисбат борасида А.Ғуломовга тегишли бўлган яна бир фикр шуки, у нисбатни феълдан феъл ясовчи деб айтади.

Кейинчалик нисбатга баҳо беришда янгидан-янги фикрлар пайдо бўла бошлади.

Проф. Ш Раҳматуллаев нисбат ҳаракатнинг субъект ва объектга муносабатини ифодалайди, деб ҳисобловчилар сирасига киради.

Бундан шу нарса кўринадикки, кейинги йилларда нисбат моҳиятига чуқурроқ назар ташлашга интилиш сезилиб қолди. Нисбат категориясини ўрганган тилшунослар унинг моҳияти кўп қиррали эканлигини таъкидлай бошладилар.

М.Аъламова бошқа олимлар бу ҳодисани номлаш учун ишлатиб келишган “нисбат” ва “ даража” атамаларини фарқлаб кўрсатади. Нисбат кўшимчаларининг сўзшакл таркибида қайд этилиш миқдори билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган нисбат ўзгаришларини “даража” термини билан атайди. [23]

Нисбат категориясига бағишланган энг кейинги тадқиқотлар ичида Ш.Шаҳобиддинованинг докторлик диссертациясини кўрсатиш мумкин. Ўз тадқиқоти методологик асосига қўйган умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинидан келиб чиқиб, нисбат категорияси шакллари маъноси барча грамматик шаклларники сингари зиддиятли икки томондан иборат, деб ҳисоблайди. [63. 170]

Назарий жиҳатдан бир грамматик категориянинг шакли бир феъл асосига кетма-кет бирдан ортиқ қўшилиши мумкин эмас. “Аффиксациядаги асосий хусусиятлардан бири сўзда бир хил аффикснинг бирдан ортиқ бўлмаслигидир, - деб ёзган профессор А.Ғуломов [69] бу ҳолатнинг ҳам ўз аниқ сабабларга эга бўлган турли типдаги чекинишлари бор. Феъл нисбатлари орасида эса бундай ҳолат яққол кўзга ташланади. Бу ҳақда Тошпўлат Абдуқулов “Бир неча даража кўрсаткичли феълларда орттирма даража” номли мақоласида орттирма даража феъл даражалари системасида ўз хусусиятлари билан ажралиб туришини кўрсатади. [13. 50-52]

Дарҳақиқат, орттирма нисбат кўшимчаларининг синонимиясини турли томондан ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ўзбек тилшунослигида профессор А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаевларнинг ишларида, дастлаб, аффиксал синонимлар ҳақидаги фикрлар учрайди. Шу мавзу бўйича Ё.Тожиёв кандидатлик диссертациясини ёқлаган. [61]

Ўзбек тили изоҳли луғатида феъл нисбатларининг берилиши ва изоҳланиши ҳақида баъзи қўлланмаларда алоҳида кўрсатмалар берилиб, илмий мақолалар ҳам эълон қилинган. Жумладан, А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да, феълларнинг берилиши” номли мақоласида умумий тарздаги кўрсатмалар бериб ўтилган. Бу мақолада феъл нисбатларининг омоним ҳолатда бўлиш ҳодисаси ўзбек тилида кўп учрайди. Бу, асосан, мажҳул, ўзлик ва биргалик нисбатлари доирасида кўринади. Масалан, бурилмоқ бурмоқ феълнинг ўзлик ва мажҳул нисбат формаси. Феълнинг нисбат категорияси иш-ҳаракатнинг бажарувчи ва иш-ҳаракат объекти ўртасидаги муносабатни билдиради. Ҳаракатни бажарувчи субъектларнинг ҳаракатни бажариш жараёнида иштирок этиш даражасига кўра нисбат категорияси 2000-йилларгача “даража категорияси” деб ҳам номланиб келинган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида нисбат категориясининг 5 тури мавжуд бўлиб, улар орасидан биргалик нисбат иш-ҳаракатнинг икки ва ундан ортиқ субъект томонидан бажарилишини билдиради ва у феъл асосига –(и)ш қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилиниши барчага маълум. Аммо (и)ш қўшимчасининг этимологияси ҳақида бир канча фикрлар мавжуд. Масалан: В.Бангнинг таъкидлашича “... ҳозирги туркий тилларда ҳеч қўлланмайдиган “эш” “ҳамроҳ бўлмоқ”, “кузатмоқ” феълдан пайдо бўлган, Б.А.Серебреников эса бу фикрга қўшилмайди. Тилшунос К.Сулаймонова биргалик нисбат шакли ҳаракатнинг бажарилиши нуктаи назаридан бўлган характеристикасини билдиради. Шу сабабли унинг объектли ва объектсиз феълларга муносабати нейтрал даражада бўлади. Бу нисбат шакли бошқа нисбат шаклларига қараганда изчил равишда сўз маъносига таъсир этади, - деб фикр билдиради. [55. 73-75]

Профессор Азим Ҳожиёв феълнинг “ноль кўрсаткичли нисбат тури” га нисбатан қўлланган “аниқ нисбат” термини ҳақида шундай фикр билдиради, бу термин нисбат категориясининг бир турини, унинг моҳиятини қайд эта олмайди, яъни нисбат билан фарқланадиган тури йўқ. “Бош нисбат”

термини таркибидаги “бош” сўзи “бош келишик”, “бош даража” каби терминлардаги “бош” сўзи каби шаклсиз ҳолатни (“ноль кўрсаткичли ҳолат”) қайд этади, лекин у ҳам мазкур категориянинг ўз шаклига эга бўлган турларидан фарқли бўлган алоҳида турини қайд эта олмайди, бу нисбат турининг ўзи йўқ.

Эътибор берсак, феъллардаги даража категорияси ҳаракат субъекти ва объекти орасидаги муносабатни – уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатади. Бу муносабат феълдаги махсус қўшимчалар орқали ифодаланиб туради. [69] Нисбат категорияси ҳақидаги бу фикрлар уларнинг моҳиятини тўғри акс эттиради, шу билан бирга, унга кўра шакл кўрсаткичига эга бўлмаган феълни нисбат шакллари сирасига киритиш мумкин эмаслиги ҳам маълум бўлади. Бироқ, нисбат категориясининг моҳияти шундай тушунилгани ҳолда, деярли барча ишларда нисбатнинг ноль кўрсаткичли шакли борлиги ҳам эътироф этилади ва у “бош нисбат” деб номланади. Бош нисбатнинг махсус қўшимчаси йўқ. Бу нисбат маъноси феъл асоси орқали ифодаланади. Бундан шу нарса кўришиб турибдики, бош нисбатнинг махсус шакли йўқлиги, унга хос маънонинг феъл асоси, ўзак шакли орқали ифодаланиши эътироф этилади. [72]

Юқорида кўриб ўтганимиздек, таълим босқичларида феъл нисбатларини ўқитиш масаласи она тили ўқитиш назарияси ва методикаси фани учун янгилик эмас, албатта. Аммо бизнинг назаримизда феъл нисбатларини ўрганишда ўқувчиларнинг сўз бойлиги устида ишлаш ва оғзаки ҳамда ёзма нутқини ривожлантириш масалаларига кам эътибор қаратган. Ҳақиқатдан ҳам бунда она тили таълимининг бош мақсади—нутқ ўстириш бироз эътибордан четда қолган.

Хулоса шуки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, феъл сўз туркуми ва унинг нисбатлари муаммосига бағишланган тадқиқотлар тилшуносликда анча катта салмоқни эгаллайди. Бироқ бу ишларнинг бирортасида ҳам феъл нисбатларининг ўқувчи нутқини ўстиришдаги аҳамияти қайд этилмаган. Шу

жиҳатдан олиб қараганда бу муаммони илмий нуқтаи назардан ўрганиш феъл нисбатлари мавзуси бўйича янги саҳифани очиб бериши, шубҳасиз. Бизнинг диссертациямиз айти шу муаммонинг тадқиқига бағишланганлиги билан ўта муҳим долзарблик касб этади.

I БОБ

УМУМЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий, маданий - маънавий соҳалардаги кенг кўламли ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълимнинг барча бўғинларида она тили ўқитишни ташкилий ва мазмуний жиҳатдан янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар умумий ўрта таълим мактабларида она тилини ўқитиш борасида батамом янги вазифаларни қўймоқда:

- мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ранг-баранг жабҳаларида, мулоқот ва муносабатнинг барча турларида ўзбек тилидан бемалол, эркин, самарали ва тўғри фойдалана олиш;
- унинг чексиз имкониятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш;
- зарурий кўникма ва имкониятларга эга бўлишлари керак.

Она тили дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш, уларнинг онгида маънавий-маърифий инқилоб ҳосил қилишга эришиш лозим. Шунинг учун ушбу дастур ва у асосида яратилажак дарсликларда грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечиш, ижодий тафаккур тарзини шакллантириш, дарс ва машғулотларни ўқувчининг нутқий малакасини юзага келтиришга қаратиш мақсад қилиб олинди.

Она тили таълимининг бош мақсади болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим. [45]

Она тили машғулотлари босқичли кетма-кетлик, шакл билан мазмун алоқадорлиги, тилшунослик бўлимларининг ўзаро зич боғлиқлиги асосларида кўрилади. Шунинг учун 5-синфнинг биринчи чораги синтаксис бўйича зарур тушунчаларни:

- Содда ва қўшма гап;
- Гапнинг маркази;
- Гап бўлаклари;
- Ундалма ва уюшиқ бўлақлар;
- Кўчирма гап ва улардаги тиниш белгилари кабиларни ўзлаштиришга бағишланади. Иккинчи чоракнинг бошида ўқувчиларга лексикология ва морфологиянинг муҳим тушунчалари:

- Сўзнинг маъноси, ўз ва кўчма маъно;
- Маънодош сўзлар;
- Уядош сўзлар;
- Зид маъноли сўзлар;
- Ўзакдош сўзлар;
- Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари;
- Ўзак, қўшимча;
- Сўз ўзгартирувчи ва сўз ясовчи қўшимчалар ҳақида дастлабки зарурий маълумотлар берилади.

Она тилидан такомиллаштирилган ДТС ва ўқув дастурида ўқувчилар она тилидан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) грамматикага оид ўзлаштириладиган билимлар:

- фонетика, лексикология, сўз таркиби, сўз ясаши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услубларига оид тушунчалар.

б) эгалланиши зарур бўлган кўникма ва малакалар (нутқни ўстириш):

- биринчи йўналиш—ўқувчиларнинг сўз бойлигини кенгайтириш (ўқувчиларнинг ўзлари учун янги бўлган сўзларнинг маъносини ва қўлланиш доирасини аниқлаш);
- иккинчи йўналиш—ўзбек адабий тили меъёрларини ўрганиш, адабий талаффуз меъёрларини (тўғри талаффуз меъёрлари, сўз бирикмалари ва гап тузиш меъёрлари, сўз туркумлари ва синтаксис тузилишларнинг услубий имкониятлари, хусусан, синонимияси), шунингдек, луғавий синонимия ва кўшимчалар синонимияси ҳамда, умуман грамматик синонимия;
- учинчи йўналиш—ўқувчиларда фикрни оғзаки ва ёзма боғланишли матн тарзида баён қилиш малака ва кўникмаларини шакллантириш. [46]

1.1. Фёъл нисбатларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик таъминларининг таъминланиши.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида Президентимиз И.Каримов таълим-тарбиянинг узлуксизлик масаласига ҳам тўхталиб шундай деган эдилар: “Барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас.”

Юртбошимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарликлари остида яратилган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да узлуксиз таълимга асос солинди. Миллий дастур асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими турларининг ҳар бири учун Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари, уларга мос равишда ўқув дастурлари яратилиб, таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ҳар бир таълим тури учун таълим мазмунини танлашда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигига алоҳида эътибор берилган. [60]

Она тили таълими узвийлиги деганда таълимнинг турли босқичларида ўрганиладиган билимларнинг эгалланиши лозим бўлган кўникма ва малакаларнинг ўзаро алоқадорлиги назарда тутилади. Бу бошқа барча ўқув предметлари қаторида она тили фани олдидаги энг долзарб муаммолардан биридир. У фақат назарий жиҳатдан методист олимлар ҳал қилиши керак бўлган илмий муаммогина эмас, балки ҳар бир амалиётчи – ўқитувчи кундалик ҳаётда дуч келадиган энг жиддий амалий вазифа ҳамдир.

Она тили таълими тизимида узвийликни тўла таъминлаш тамойилларини амалга оширишда она тили ўқитувчилари қуйидаги дидактик талабларга эътибор бериши муҳим ҳисобланади:

- таълим жараёнини аниқ мақсад асосида ташкил этиш;
- таълим жараёнини тизимли, узвий, изчил ташкил этишга эришиш;
- таълим жараёнида педагогик технологиялардан унумли фойдалана олиш;
- таълим жараёнида демократик тамойиллар ҳамда миллий умуминсоний қадриятлар устуворлигига таяниш;
- таълим жараёнида кўзгазмалиликка алоҳида эътибор бериш;
- ҳар бир мавзу моҳиятини очиб берувчи, ўқувчиларни ижодий изланишга йўналтирадиган таълим шакли ҳамда методларидан фойдаланиш. [9]

Таълим тизимидаги ўзгаришлар давлат таълим стандартларининг яратилиши, янги ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-маънавий ҳаётдаги янгиланишлар дастурларни ҳам қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда. 1991 йилдан буён мактаб она тили дастурлари тобора такомиллашиш сари бормоқда. [60]

Дастур энг муҳим ҳужжат бўлиб, уни бажариш мажбурийдир. Ўқитувчининг асосий вазифаси давлат дастури талабларини тўла ва самарали амалга оширишдан иборат. Шунга кўра ҳам ўқитувчи уни тўла билиши, унинг барча қисмлари ҳақида аниқ тасаввур ва маълумотга эга бўлиши керак.

Дастур ўқитувчининг иш фаолиятида энг асосий манбадир. Ҳозиргача дастурлар умумтаълим мактабларининг барча бўғинларини (1-4 ёки 5-9 синфлар) қамраб олади. “Таълим тўғрисида”ги янги Қонун таълим тизимига бир қатор янгиликларни олиб кирди. Унга кўра энди умумий ўрта таълим 1-9 синфларни қамрайди. Бундан кейин эса ўрта махсус таълим бошланади. Демак, дастурлар ҳам шундан келиб чиққан ҳолда бошқа-бошқа бўлади. Умуман, дастурда она тили курси тўлалигича тавсифлаб берилган. Унга кўра ҳар бир босқич ўқувчига мутлақо янги билим ва кўникмаларни ўрганиши ва ўзлаштириши учун имкон ва шароит яратиб бериши муқаррар. Демак, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилаётган кўникма ва малакалар сақлаб қолишнигина эмас, балки янада ривожлантирилиши, бойитилиб бориши ҳам керак бўлади. Худди шунинг учун давлат таълим стандартларининг муқаррар равишда бажарилишининг нечоғлик муҳим эканлигини тасаввур этиш қийин бўлмайди. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг турли босқичларда оладиган грамматик билимларнигина эмас, балки улар эгаллаётган кўникма ва малакаларнинг ҳам батафсил уйғунлаштириб борилишини тақозо этади.

Демак, муайян таълим босқичида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи фақат шу босқич учун кўзда тутилادиган давлат таълим стандартлари, дастур талабларини билиш билан кифояланиб қолмаслиги керак бўлади. Бу йўлдаги дастлабки қадам таълимнинг ҳамма босқичларида йўлга қўйилиши шарт бўлган муносиб нутқий шароитни яратишдан иборатдир.

Узлуксиз она тили таълими мазмуни ўзбек тилшунослигида олиб бориладиган тадқиқотлар асосида бойитиб борилади. Албатта, она тили фани бўйича яратиладиган давлат таълим стандарти, дастур ва дарсликлар мазмунида шу таълим жараёнининг назарий асосини ташкил этувчи тилга оид маълумотлар таълим олувчининг ёшига ва психо-физиологик хусусиятларига мувофиқ тарзда акс этиши керак. Бунда тил материаллари орасидаги узвийлик ва изчилликка, назарий ва амалий билимларнинг соддадан мураккабга тамойилига асосланиши, назария билан амалиётнинг

ўзаро уйғунлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Демак, давлат таълим стандарти дастур ва дарсликлар, биринчи навбатда, муайян назарий асосга таянилган ҳолда яратилмоғи лозим.

Узлуксиз она тили таълими мазмунида тегишли педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Педагогик технология таълим жараёнини ташкил этиш, тайёрлаш, илмий-педагогик жиҳатдан таъминлаш, амалга ошириш, таълим натижаларининг сифатини кафолатлашдан иборат бўлган яхлит тизимда ўз ифодасини топади.

Академик лицейлар учун тузилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дастурида [43] таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият берилган. Дастур бўйича она тилига 240 соат ажратилган бўлиб, уч босқичга 80 соатдан тақсимланган.

Дастур ва дарсликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, умумтаълим мактаблари учун яратилган дарсликларда таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка муайян даражада эътибор берилган. Шунга қарамай, умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари дастур ва дарсликларида айрим такрорийликлар учрайди. Академик лицейлар учун яратилган дастурларда ҳам, дарсликларда ҳам узвийликка қатъий риоя қилинган. Уларнинг олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун ҳам мустаҳкам замин тайёрлаш лозимлиги эътиборга олинган.

Энди умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей дарсликлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини “Феъл”, “Феъл нисбатлари” мавзулари мисолида кўриб чиқсак. Она тили дарсликлари тил таълимининг мақсад, вазифа ва мазмуни асосида яратилади, мактабда ўрганиладиган барча синфлар учун яратилган дарсликлар бир-бирига боғлиқ ҳолда тузилган ва таълимнинг узвийлигига амал қилган.

Бугунги кунда жаҳон андозаларига ҳар жиҳатдан мос келадиган, миллий мустақиллик ғоясини ўзида акс эттирадиган мукамал дарсликлар

яратиш долзарб муаммога айланди. Шу боис “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Узлуксиз таълим учун ўқув-адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси” талаблари асосида умумий ўрта таълим мактаблари учун янги мазмундаги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди.

5-9 - синфлар она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчини она тилини ўрганадиган субъектга айлантирган ҳолда унда фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Бу ҳақда “Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси” да шундай дейилган: “Она тили таълимининг асосий мақсади болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир”. Она тили дастурида эса у қуйидагича ифодаланади : “Она тилини ўқитишдан мақсад, ўқувчиларда мустақил ижодий тафаккур қобилиятини ривожлантириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда тўғри ва равон баён қилиш кўникмаларини шакллантиришдир”.

Концепцияда илгари сурилган қуйидаги йўл-йўриқлар она тили таълимидаги асосий йўналишларни акс эттиради: 1) она тили таълимининг мазмунини ифода воситалари ва шу ифода воситаларининг талаффузи, имлоси ва қўлланиши билан бир бутун яхлит тарзда тадрижий ўргатишга асосланган ҳолда белгилаб бериш; 2) узлуксиз она тили таълимининг 5-9-синфлар босқичини “нутқ маданиятини шакллантириш” деб номлаш.

Она тили таълими мазмунини узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида янгилаш усул ҳамда методларини такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътиборни кучайтириш зарур:

- ўзбек тилшунослигининг муаммоли масалалари;
- мавзуларнинг дастур ва дарсликларда жойлаштирилиши;
- она тилини ўқитишда коммуникативликни кучайтириш;
- тилни ўрганишдаги амалий жиҳатларни кучайтириш масаласи;

- янги педагогик технолагиялардан, ахборот технологияларидан, ноанъанавий ва интерфаол усуллардан фойдаланиш муаммолари.

5-синф учун “Она тили” дарслиги Н.Махмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, В.Қодиров, З.Жўрабоевалар муаллифлигида яратилган. Ушбу дарслик дастурга мувофиқ тарзда она тили ҳақидаги бошланғич умумий тушунчаларни шакллантириш учун мўлжалланиб, ихчам назарий лавҳа билан бошланган. Дарслик болаларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, адабий тайёргарлик даражаларини эътиборга олган ҳолда яратилган. Ушбу дарсликда “Феъл сўз туркуми”га оид қуйидаги маълумотлар берилган:

- Феъл сўз туркуми ҳақида маълумот.
- Феъл замонлари:
 - а) ўтган замон;
 - б) ҳозирги замон;
 - в) келаси замон;
- шахс-сон қўшимчалари ҳақида маълумот.

Дарсликда юқоридаги маълумотларга оид бир нечта топшириқлар берилган, айниқса, 269-, 270-, 274-, 280- ва 282- машқлар ўқувчиларни чуқур мушоҳадага чорловчи ва фикрлашга ундовчи машқлардир. Бундан ташқари, ушбу дарсликда ҳар бир мавзуга тегишли савол ва топшириқлар тизими берилганки, улар мавзунинг характери, материалнинг ҳажми, кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан алоқадор ҳолдадир.

Масалан: Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Феъл деганда қандай сўз туркумини тушунаси?
2. Феъл қандай сўроқларга жавоб бўлади?
3. Ҳаракат ва ҳолат билдирувчи феълларга мисоллар келтиринг.

280-машқ. Матнни ўқинг. Феълларга келаси замон қўшимчаларидан мосини қўйиб, кўчиринг.

- *Бир коса айронингиз борми, она? Мен кет (-моқчи, -ар, -ажак, -ади) ман ҳозир.*

- Эшикдан кирмасдан туриб қаёққа қоч (-ади, -ар, -ажак, -моқчи) сан, болам?

- Ҳозир Тошкентдан телевизорчилар, шоирлар, мухбирлар келиш (-ар, -ажак, -ади, -моқчи). Бизни сурагга олиш (-ажак, -моқчи, -ади, -ар)! –деди Лочин болаларча гурур билан. (О.Ёқубов.)

269-машқ. Бошқотирмани ечсангиз, ўзбек халқ мақолларидан бирини топасиз. Гапдаги феъл замонини аниқланг.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----

1. 1,2,3 - билди сўзининг буйруқ шакли.

2. 4,5 - имкон сўзининг биринчи бўғини.

3. 6,7,8,9 – саодат сўзининг синоними.

4. 10,11,12 –сўзловчи томон юришни билдирувчи буйруқ феъли.

5. 13,14, 15 – ўтир сўзининг иккинчи бўғини.

6. 16 – алифбодаги биринчи ҳарф.

7. 18, 19 – ўтган замон қўшимчаси.

5-синф она тили дарслигини кўриб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин: Дарсликда феъл ҳақида маълумот ва уларга оид топшириқлар яхши берилган, аммо, бизнингча, унда феъл нисбати деб нимага айтилиши ёки ҳеч бўлмаганда, феъл нисбатларининг номлари бериб кетилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки 6-синфда феъл нисбатлари ўтилгунга қадар ўқувчиларда “нисбат” тушунчаси ҳақида озгина таассурот ҳосил бўлар эди.

Дарсликдаги **276- машқ**да топшириқ шундай: Расм асосида ҳикоя тузинг. Ҳикояда ҳозирги замон феълларидан фойдаланинг. Расм берилган ва қуйидаги таянч сўзлар ёзилган: *бино, булдозер, кран, асфальт, йўл, шағал, дарахт, кўча, қурмоқ, кўтармоқ, сурмоқ, текисламоқ, ишчи, қурувчи.*

Бизнингча, бу машқ 2 та топшириқ асосида бажарилиши керак.

1. Таянч сўзлардан фойдаланиб сўз бирикмалари тузинг ва уларни ҳозирги замонда ёзинг.

Намуна: бино қурмоқ – бинони қуришяпти

асфальт текисламоқ – асфальт текисланмоқда

2. Сўз бирикмаларидан фойдаланиб расм асосида ҳикоя тузинг.

Яна дарсликдаги **273- машқни** кўриб ўтсак. Кўчиринг. Ўтган замон феълларига изоҳ беринг.

Ота - онаси Ибн Синони мактабга беришди. Лекин у мактабда ўқитиладиган китобларни аллақачон ўқиб бўлган, уларни ўқиб олган эди, шунинг учун у мактабга бормай қўйибди. Ота-онаси шаҳарда ўқисин деб, Бухорога кўчиб келишибди... Ибн Сино бора-бора зўр табиб бўлиб кетибди. (Ривоятдан)

Бизнингча, бу машқни бажаришда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, ўйин - мусобақа усулида топшириқ бажарилса, синфдаги барча ўқувчиларнинг дарсдаги фаолликлари янада ошади. Жумладан, синф ўқувчилари 2 гуруҳга бўлинади ва уларга юқоридаги матн берилиб қайси гуруҳ топшириқни тез ва тўғри бажариши айтилади.

Ўқувчилар феъл ҳақидаги дастлабки маълумотни бошланғич синфларда оладилар. 6-7 – синфларда эса бу маълумотлар кенгайтирилади ва янгилари билан тўлдирилади. 6- синф дарслигида феъл сўз туркуми ва унинг грамматик шаклларига 48 соат ажратилган. Бунда феъл, унинг маъно турларидан бошлаб феъл нисбатлари, майллари, замон шакллари, шаклдош формалари (сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи) каби грамматик хусусиятлари ўргатилади. Дарсликда мавзуга доир топшириқлар, турли мавзудаги матнлар ҳамда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга қаратилган савол - топшириқлар келтирилган.

Феъл ва унинг маъно турларига доир ўйин - топшириқлар, феъл нисбатига оид тестлар тузиш, гаплар ва матн яратиш ўқувчиларнинг феъл ва феъл нисбатлари мавзуси юзасидан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини юксалтириш учун хизмат қилади. Яна ўқувчилар нутқ бойлигини ошириш омили ҳам бўла олади.

Умумтаълим мактаблари 6- синф она тили дарслиги Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, В.Собировлар муаллифлигида ёзилган. Дарсликда ҳар бир мавзудан сўнг унга оид савол ва топшириқлар тизими берилган. [29]

Жумладан, дарсликда дастлаб феъл сўз туркумига оид умумий маълумот, яъни, нима қилмоқ?, нима бўлмоқ? сўроқларига жавоб бўлиб, шахс ёки нарсаларнинг ҳаракат, ҳолатини ифодалаган сўз туркуми феъл дейилиши ҳақида қисқача айтиб ўтилган.

83-машқ. Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган кўшимчаларни кўйинг, феълларнинг маъносига ва грамматик шаклига эътибор беринг.

- *Йигитча, фамилиянгиз нима?*

- *“Искандаров” деб ёз... , ака.*

Жавлонбек уни ёз... қўйиши учун сўрамаганди, фақат фамилиясини атаб гаплашиши учун сўраган... У бўлса “Искандаров деб ёзинг, ака” дейди-я.

- *Искандаров, сиз ахир, тракторнинг тилини билмай ... –ку? Ҳатто унинг қандай машина эканини ҳам кўрмаган бўлсангиз!...*

- *Бугун билма..., кўрмаган бўлсам, энди била... , кўра ..., ўргана ..., - деди йигит қатъий. – Ҳали ўзингиз айтдингиз-ку, аввало, шогирд туша ... , кейин ўргана..., деб.* (Н.Фозилов)

Дарс жараёнида феъл нисбатларини ўрганиш орқали ўқувчилар сўз бойлигини ошириш имкониятлари жуда кўп. Ўрганилаётган ўқув материалининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда улардан ўринли ва унумли фойдалана олиш керак. Дарсда савол - топшириқларнинг берилиши ўқувчилар нутқининг раволиги, аниқлигини таъминлайди.

Қуйида феъл нисбатларига оид топшириқлардан мисоллар келтирамыз.

1. Топшириқ: Ўқиди –ўқитди, келди – келтирди феъллари ўртасидаги маъно фарқларини аниқланг.

- 2. Топширик:** Бажарди – бажарилди, бажаришди – бажартирди феъллари ўртасидаги маъно фарқларини изоҳланг.
- 3. Топширик:** Ўқиди, ўқитди, ўқишди, ўқилди феълларини бир-бирига қиёсланг. Улардаги бир хил ва фарқли томонларини аниқланг.
- 4. Топширик:** Ишла феълига – т, -ш қўшимчаларини қўшинг. Маънода қандай ўзгариш бўлишини тушунтиринг.
- 5. Топширик:** Қуйидаги ўс, ёз, кет, қол феъл асосларига -т, -тир, -дир, -гиз, -киз қўшимчаларидан мосини қўйинг.
- 6. Топширик:** Берилган феълларга орттирма нисбат қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг. Кел, бошла, туз, ёз, юр, топ, ўйна, интил.
- 7. Топширик:** Ёзди феълидан –иш, -ил, -дир қўшимчалари орқали турли нисбат шакли қўшилганда маънода қандай ўзгариш рўй бераётганлигини айтинг.

Феълнинг грамматик категорияларидан бири бўлган феъл нисбатлари мактаб дарсликларидан фақат 6 - синфда берилган, бу эса, бизнингча, ўқувчилар учун бироз ноқулайлик туғдиради. (Бу ҳақда юқорида айтилган) Дарсликда “Феъл нисбатлари” ҳақида умумий қоидадан сўнг берилган машқлардан баъзиларини кўриб ўтсак.

97- машқ. Юрмоқ, ўқимоқ, ўйнамоқ, қувонмоқ, ривожланмоқ, гапирмоқ феълларига нисбат шаклларини қўшиб ўзгартиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Бизнингча, бу машқ топшириғини ўқувчиларга қуйидаги усулда берсак уларнинг фаоллиги сезиларли даражада ошади, дарсга бўлган қизиқиши кучаяди ва яна бир муҳим томони дарс жараёни қизиқарли ўтади. Топширик: берилган феъллар асосида ушбу жадвални тўлдиригинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Феъллар	Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Биргалик нисбат	Орттирма нисбат
<i>Юрмоқ</i>					
<i>Ўқимоқ</i>					
<i>Ўйнамоқ</i>					
<i>Қувонмоқ</i>					
<i>Ривожланмоқ</i>					
<i>Гапирмоқ</i>					

“Аниқ нисбат” мавзуси ўтилгач, қуйидагича машқларни бажариш мумкин.

100- машқ. Берилган феълларни аниқ нисбатга қўйиб, улар иштирокида гаплар тузинг. *Ўйламоқ, пишмоқ, гулламоқ, кулмоқ, чанқамоқ, ўқимоқ, отмоқ, турмоқ, варақламоқ, узмоқ.*

Дарсликда “Ўзлик нисбат” ҳақида назарий маълумот берилгач, шундай машқлар бажариш мақсадга мувофиқ бўлади.

103- машқ. Феълларнинг қайси нисбатда эканлигини айтинг. Улар иштирокида гап тузинг ва маъносини тушунтиринг. *Таради- таранди, ювди- ювинди, мақтади- мақтанди.*

Бу машқ топшириғини қуйидагича бериш ҳам мумкин. 5 тадан феъл топинг ва уларни намунадаги каби аниқ ва ўзлик нисбат шаклида ёзинг.

104- машқ. Матнни ўқинг. Феълларни ажратиб, нисбатини аниқланг ва ясалишини тушунтиринг.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий домла арузни чуқур ўрганиб ва унда ижод қилиб, мумтоз адабиётимиз анъаналарини боҳоли қудрат давом эттирган. Шу боисдан у ўттизинчи йилларнинг бошида адабиётимиздан четлатилган, унинг учун нашриёт эшиклари ёпиб қўйилган. Ўша кезлари домла тирикчилик важдан Андижоннинг чекка бир қишлоғидаги магазинда ишлашга мажбур бўлган. (“Ватан туйғуси”)

Бу машқ топшириғини қуйидаги усулда ҳам бериш мумкин. Матнни ўқинг, ундаги феълларни аниқланг ва улар асосида нисбат устунларини тўлдириг.

Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат

106- машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги қўшимчалардан мосини қўйиб, гапларни кўчириг.

Бу машқни бажаришдан олдин 6- синф ўқувчиларини гуруҳларга бўлиб, мусобақа тарзида **“Ким биринчи”** ўйини асосида топшириқ берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Синфдаги барча ўқувчилар биринчи бўлиб машқни бажариш учун фаоллашадилар.

1. Илм зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилади, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, покни нопокдан ажра ... (-т, -л, -иш) иб беради. (А.Авлоний) 2. Аммо кампирнинг додига одам тез тўпла ... (-л, -н, -т) ди. (А.Қаҳҳор)

Мажхул нисбат ҳақида маълумот берилгач, 109- машқни бажарамиз.

109- машқ. Аввал ўзлик нисбатдаги феълларни, кейин мажхул нисбатдаги феълларни ёзинг.

1. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий 1441 йилда тузилган. 2. У юзига белбогини ташлаб, кўрпачага чўзилди. (Ғ.Бадалов) 3. Ҳозирги кунда миллий халқ ҳунармандчилигига катта эътибор берилмоқда. (“Одобнома”) 4. Бир бор экан, бир йўқ экан дунёда ҳамма нарса яратилган экан-у, аммо хушнаво булбул яратилмаган экан. (З.Иброҳимова)

Бу машқ ўқувчиларни фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Бизга маълумки, орттирма нисбат қўшимчалари бошқа нисбат қўшимчаларига қараганда кўпроқ ва анча мураккаброқ. Яна бошқа

нисбатларда йўқ бўлган бир хусусияти бир феъл асосига бирдан ортик кўшимчаларнинг кўшилишидир. Масалан, ўқит- ўқиттир, тўлдир- тўлдирғиз, ёздир- ёздиртир. Бундан ташқари орттирма нисбат кўшимчалари феълнинг қандай кўшимча билан тугашига қараб кўшилади.

Масалан: - т кўшимчаси унли билан тугаган феъл асосларига: тўқит, ишлат.

- дир кўшимчаси жарангли ундош товуш билан тугаган феъл асосларига;
- тир кўшимчаси эса жарангсиз ундош товуш билан тугаган феъл асосларига кўшилади ва бошқалар.

Дарсликдаги 118- машқ топшириғи юқоридаги фикрларни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга ёрдам беради..

118- машқ. Берилган феълларга орттирма нисбат кўшимчаларини кўшинг ва улар иштирокида гаплар тузинг. Айтмоқ, давом этмоқ, тиришмоқ, интилмоқ, тайёрламоқ, ювмоқ, қувонмоқ, билмоқ, ўйламоқ.

6- синф дарслигида ўқувчиларга биргалик нисбат ҳақида қуйидаги маълумот берилган. Бирдан ортик бажарувчи томонидан биргаликда бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли биргалик нисбат дейилади. Биргалик нисбат унли товуш билан тугаган феъл асосига – ш, ундош товуш билан тугаган феъл асосига эса – иш кўшимчасини кўшиш орқали ҳосил қилинади. Шу таърифдан сўнг дарсликда “Феълнинг вазифа шакллари” ҳақидаги мавзу бор. Маълумки, - ш,- иш кўшимчаси омоним кўшимча бўлиб, у орттирма нисбат (ишлашди, келишди) ва ҳаракат номи (ўқиш, айтиш) вазифаларида келади. Бу кўшимчанинг ана шу омонимлик хусусияти ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмаган, бу эса ўқувчиларнинг биров иккиланишларига олиб келади.

“ Феъл нисбатлари ” мавзусини ўтиб бўлгач мустаҳкамлаш дарсларида қуйидаги топшириқларни бажариш ўқувчиларнинг мавзуга оид билимларини янада оширишга, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга ёрдам беради.

Топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Феъл деб нимага айтилади?
2. Феъл нисбатлари деб нимага айтилади?
3. Аниқ нисбатга таъриф беринг.
4. Ўзлик нисбати қўшимчаларини айтинг.
5. Мажхул нисбат қўшимчалари қайсилар?
6. Орттирма нисбатнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
7. Биргалик нисбатдаги феълларга мисоллар келтиринг.

Топшириқ. Нисбат шаклларига кўра берилган феълларни қуйидаги жадвалга жойлаштиринг. Кузатмоқ, сарфламоқ, таъмирламоқ, атамоқ, тўпламоқ, янгиламоқ, кучаймоқ, илинмоқ, кузатишмоқ, сарфлашмоқ, таъмирлаттирмоқ, кучайтирмоқ, чизишмоқ, сарфлаттирмоқ, аталмоқ, тўплашмоқ, янгилашмоқ, янгилаттирмоқ.

Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Орттирма нисбат	Биргалик нисбат

Академик лицейларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсликларида таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида эътибор берилган. Жумладан, академик лицейларнинг иккинчи босқичи учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги профессор А.Нурмонов, А.Собиров, Ш. Юсуповалар томонидан яратилган. [42] Бу дарсликда ўқувчиларнинг эркин ва ижодий фикрлашларини шакллантириш ва ривожлантиришга катта аҳамият берилган.

Масалан, дарсликнинг “**Феъл ва унинг услубий хусусиятлари**” мавзуси мисолида берилган дарснинг дарс мақсади билан бошланиши мақсадга мувофиқ.

Дарс мақсади: Феъл ҳақида талабаларнинг ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, феъллардан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Режа: 1. Феъл ҳақида маълумот.

2. Феълларнинг мазмуний турлари.

3. Феълларнинг услубий хосланиши.

1- топшириқ. Берилган матндан феълларни топинг ва уларни ҳаракат ва ҳолат билдирувчи феълларга ажратинг.

Тақдир синовига ғам чекма сира,

Ниятни тўғри қил ёш тўкма сира,

Келажакнинг нурли чўққисига боқ.

Эзгулик ишини тарк этма сира. (К. Парпиев)

Келинг, дарсликдаги **“Нисбат шакллари услубиёти ”** мавзусида талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга қай даражада эътибор берилганини кўриб ўтсак.

Дарс мақсади:

- Нисбат шакллари ҳақида умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш.
- Нисбат шаклларидадан ўринли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Режа: 1. Нисбат шакллари ҳақида маълумот.

2. Нисбат шакллари таснифи.

3. Нисбат шаклларида ўзаро вазифавий алмашинуви ва унинг услубий хусусиятлари.

Топшириқ: Ёзди феълидан -иш , - ил, - дир кўшимчалари орқали турли нисбат шаклларида ҳосил қилинг. Ҳар қайси нисбат шакли кўшилганда маънода қандай ўзгариш рўй бераётганлигини айтинг.

Топшириқ: Ўқиди, ўқишди, ўқитди, ўқилди феълларининг ўхшаш ва фарқли томонларига эътибор беринг.

Бу топшириқни талабалар ҳар бир феълга алоҳида-алоҳида таъриф бериб бажаришлари керак, чунки шу усул билан уларнинг, биринчидан, ўтилган мавзу ҳақидаги билимлари текширилади. Иккинчидан, уларнинг оғзаки фикрлаши, нутқи ривожланади.

Дарс жараёнида нисбат шакллари ҳақида оғзаки маълумот бериш билан бирга, уларда кўргазмали қуроллардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради. Жумладан, нисбат шакллари ва уларнинг маъноларини жадвал кўринишида бериш.

Талабаларга яна феъл нисбатлари ҳақида ушбу маълумотларни бериш мумкин. Баъзан бир нисбат маъноси ўрнида бошқа нисбат шаклларида фойдаланилади. Хусусан, аниқ нисбат маъносида биргалик нисбат шакллари ишлатилиши мумкин. Масалан, келди—келишди, келяпти- - келишяпти.

Шунингдек, аниқ нисбат маъносида мажҳул нисбат шаклларида фойдаланилади: *қилдим* ўрнига қилинди, *бажардим* ўрнига бажарилди, *киринг* ўрнига кирилсин каби. Бундай ҳолат маълум услуб-эмоционал маъно талаби билан рўй беради. Кўпинча кейинги ҳолат ҳурмат, камтарлик маъноларини ифодалайди.

299- машқда шундай топшириқ берилган: Феълларнинг аниқ, мажҳул, ўзлик, биргалик ва орттирма нисбатларини аниқланг. Нисбат ҳосил қилувчи кўшимчалар остига чизинг. Феълларнинг қайси нисбатда эканлигини қисқача ёзиб қўйинг.

Намуна: У оҳиста тебранди. (ўзлик нисбатда)

Бизнингча, биринчидан, намунада берилган гапдаги тебранди феъли ўзлик нисбатда эмас, балки аниқ нисбатда, чунки тебранди феълнинг асоси тебран—тебра эмас. Иккинчидан, юқоридаги машқнинг шартини қуйидагича ёзсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Берилган мисоллардан феълларнинг қайси нисбатда эканлигини аниқланг ва шу феълни бошқа нисбат шаклларида ҳам ёзиб чиқинг.

Намуна: Қаюмхон Олимовичнинг уйида зўр тантана. Шаҳарнинг кўзга кўринган одамлари таклиф этилган. (мажҳул нисбат)

Қаюмхон Олимовичнинг уйида зўр тантана. Шаҳарнинг кўзга кўринган одамларини таклиф этишган. (биргалик нисбат)

1. *Қаюмхон Олимовичнинг уйида зўр тантана. Шаҳарнинг кўзга кўринган одамлари таклиф этилган. Икки қаватли коттежнинг ҳовлиси тахта сўрилар, институт оиҳонасидан келтирилган стол-стуллар билан безатилган. (Т.Маҳмуд)*

2. *Лаган – товоқнинг бири - бирисига теккан товуши эшитилиб, Отабек ўзини оҳистагина йўлакка олди. (А. Қодирий)*

300- машқ. Феъл нисбатлари бўйича гуруҳлараро “Бу бизники”

грамматик ўйин-топшириғини бажаринг.

1 гуруҳ	11 гуруҳ	111 гуруҳ
Аниқ ва мажҳул нисбат	Ўзлик ва биргалик нисбат	Орттирма нисбат

Сўзлар: ташиди, кийинди, тортди, торттирди. таниш, безалди, безатди, ташланди, ташландик, ўқиш, илит, илитилди, пуфланди, чалинди, чалдирди, тинглашди, чикди, чизилди, бойиди, кўллади, қулаттирди, ортди, эслашди, ачинди, айтишди, тушунтирди.

Академик лицейлар дарслигида яна бир эътиборли нарса, ҳар бир дарс охирида мавзуга оид таянч тушунчаларнинг берилишидир.

Таянч тушунчалар: феъл нисбатлари, бош нисбат, биргалик нисбат, ортторма нисбат, ўзлик нисбат, мажҳул нисбат.

Юртбошимиз И. Каримовнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарликлари остида яратилган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да узлуксиз таълимга асос солинди. Миллий дастур асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими турларининг ҳар бири учун Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари, уларга мос равишда ўқув дастурлари яратилиб, таълим жараёнига босқичма-босқич

жорий этилмоқда. Ҳар бир таълим тури учун таълим мазмунини танлашда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигига алоҳида эҳтибор берилган. Жумладан, “Феъл нисбатлари” ни 5-6 – синф ва академик лицей дарслиги мисолида кўриб чиқдик. Унда узвийлик ва узлуксизлик сақланган. Мавзулар муайян кетма-кетликда ва бир-бирини тўлдирган ҳолда қамраб олинган. Ҳар бир топишириқлар негизида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга алоқадорлик сезилиб туради. Уларни анъанавий тарзда эмас, балки ўқувчиларни фаолликка ундовчи ноанъанавий тарзда тақдим этишга ҳаракат қилдик.

1.2. Феъл нисбатларини ўқитишда қўлланиладиган метод ва бериладиган топшириқлар тизими.

Ёш авлодда умуминсоний ва миллий қадриятларга хурмат туйғусини шакллантиришда, уларда миллий ифтихор туйғусини таркиб топтиришда она тилининг ўрни беқиёс. Юртбошимиз И. Каримовнинг “ Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради...” деб айтган сўзлари шу маънода катта аҳамиятга эга.

Бу вазифани амалга оширишда она тили фани ўқитувчиларининг ўрни беқиёс. Фан ўқитувчилари илғор тажриба, фан ютуқлари билан қуролланган бўлиши керак. Ҳозирги кунда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни рўёбга чиқаришнинг навбатдаги босқичи ҳам тил таълими ходимлари олдида таълим мазмунига янги педагогик технологияларни кенг қамровда татбиқ этиш вазифасини қўймоқда.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да юқори малакали илмий кадрларни кўзда тутилган юксак талаблар даражасида тайёрлаш учун педагогика институтларида таълим жараёнини илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. [27]

Таълим босқичларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш масаласи таълим тизимимизда илмий нуқтаи назардан ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири саналади. Айниқса, феъл нисбатларини ўрганиш жараёнида нутқий баркамолликни таъминлашнинг илмий-педагогик асосларини яратиш тобора кўпроқ ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Феъл нисбатларининг ўқувчи нутқидаги аҳамияти беқиёс экан, демак, уни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ҳам муҳимдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей ўқувчиларида феъл нисбатларини ўрганишда нутқ ўстиришнинг педагогик асослари илмий методик жиҳатдан ўрганилмаган. Ҳаётимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришлар, қудратли ислохотлар жараёни, узлуксиз таълим тизимидаги инновацияларнинг шиддатли равишда жадаллашуви нутқ ўстириш, кенг мушоҳада қилиш қобилиятини шакллантириш муаммоларини вужудга келтирмоқда.

Мазкур тадқиқотимизда умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда феъл нисбатларини ўрганишда нутқ ўстиришнинг мавжуд аҳволини таҳлил этишга ҳаракат қилдик, тадқиқот мавзуси билан боғлиқ бўлган илмий-педагогик адабиётларни феъл нисбатларини ўрганишда нутқ ўстириш юзасидан тўплаган бой тажрибаларини таҳлил этдик; умумлаштирилган ва оммалаштирилган феъл нисбатларини ўрганишда ўқувчиларнинг нутқи устида ишлашнинг самарали йўллари, воситалари ва усулларини аниқладик; тавсия этилаётган методикани амалиётда синовдан ўтказдик ва унинг самарадорлик даражасини белгилладик ва ниҳоят, тадқиқ қилинаётган муаммога таъсир кўрсата оладиган илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб ўтдик.

Ўқитувчи она тили машғулотларини шундай ташкил этмоғи лозимки, дарс жараёнида бажариладиган топшириқларнинг 35-40 фоизини ёзма топшириқлар, қолган қисмини оғзаки характердаги топшириқлар ташкил этсин. [68. 4-7]

Ўқувчилар муайян бир мавзунини турли шаклларда бера билиш, ўз фикрини нутқ шароитига мос равишда ифодалай олиш кўникмаларини эгаллаш орқали таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Демак, эшитиш, англаш, мулоҳаза юритиш, кузатиш, изланиш, шарҳлаш, қиёслаш, умумийлик ва фарқларни аниқлаш, ҳукм (хулоса) чиқариш, алоқадорликни аниқлаш, нутқда қўллаш каби энг муҳим методик усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Бизнинг назаримизда муаллифлар феъл нисбатларини ўрганишда ўқувчиларнинг сўз бойлиги устида ишлаш ва оғзаки ҳамда ёзма нутқини ривожлантириш масалаларига кам эътибор қаратганлар. Ҳақиқатдан ҳам бунда она тили таълимининг бош мақсади — нутқ ўстириш экани эътибордан четда қолган.

Феъл нисбатлари ва уларнинг қўлланиши ҳақида “Ўзбек тили грамматикаси” да анча кенг маълумот берилган, аммо феъл нисбатларининг қатор қўлланиши ҳақида ва уларнинг нутқ ўстиришдаги ўрни ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Бундан ташқари, нисбат категорияси анча мураккаб мавзу. Мураккаблиги шундаки, нисбат категорияларини бир-биридан фарқлаш кўпгина грамматик талабларни ўрганиб чиқишни талаб этади. Жумладан, ўзлик ва мажҳул нисбат шаклларини фарқлаш. Юқорида келтирилган “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” да феъл нисбатларини ўрганиш билан боғлиқ бир неча топшириқлар берилган, аммо ушбу бир хил грамматик шаклга эга бўлган турли нисбатларни ифодаловчи қўшимчаларни фарқлаш билан боғлиқ ҳеч қандай топшириқ берилмаган.

Она тили дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш, уларнинг онгида маънавий – маърифий инқилоб ҳосил қилишга уриниш ДТС да белгиланганидек давом этмоқда. ДТС белгиланганидан буён дастур ва дарсликларда грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечилиб,

асосий эътибор ижодий тафаккурни шакллантириш, ўқувчиларнинг нутқий малакасини ўстиришга қаратиш мақсад қилиб олинди.

Таълим усули, асосан, индуктив. Шунинг учун машғулотларда фаол ишловчи ўқувчининг ўзидир. Индуктив усулда ўқувчиларга тил ходисаларини кузатиш, таққослаш, гуруҳларга ажратиш, умумлаштириш каби талаблар қўйилади. Бу ходисаларни бажаришда ўқувчиларнинг ақлий фаолияти чархланади ва ўқув материалларини тушуниш осонлашади. Таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай усул ўқувчиларни тайёр билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик киритиш, янгиликдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан фойдаланилади. Интерфаол усуллар бу – ўқитувчи ва ўқувчи, ҳамда ўқувчилараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатдир. “Интерфаол инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, “interact” сўзидан олинган. “inter” бу - ўзаро, “act” – ҳаракатдир. Интерфаол усулларда ўқитиш ўқувчилардан юқори фаолликни, олинган маълумотларни тўла англашда ижодий ёндашувни талаб этади. Интерфаол ўқитишнинг асосий мезонлари бу – норасмий мунозараларни ўтказиш, ўқув материалларини эркин ифодалаш, маърузалар сонини камайтириш, ўқувчиларни ташаббускорликка чорлаш, жамоавий индивидуалликни талаб қиладиган гуруҳий вазифалар ва ёзма ишларни бажаришдир. Ўзаро фаоллашиш орқали индивидуал, жуфт-жуфт

ёки жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади. Яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу усулларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Интерфаол дарс жараёни шундай ташкил этилиши керакки, бунда синфдаги барча ўқувчилар фаоллашиши зарур, яъни дарс ўтиш жараёнида ўқув материалларнинг маълум бир қисми ўқувчилар томонидан мустақил ўрганилади, сўнгра синфда ҳар томонлама муҳокама этилади. Ўқитувчи ўқув жараёнини ташкилотчиси, раҳбари, назоратчиси ҳамдир. Ўқувчининг синфда ўзини эркин ҳис қилиши ва ўқув фаолияти уни эмоционал жиҳатдан қониқтириши лозим, ана шундагина у ўзининг фикрларини эркин баён қила олади. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчининг билимини синаши, кўникма ва малакаларини аниқлаши, унинг шахсий фикрини билиши учун албатта тўғри савол қўя олиши керак. Савол беришда қуйидагиларни инобатга олиш лозим: саволлар қисқа ва аниқ бўлиши;

-
- битта савол билан битта нарсани сўраш;
 - савол айнан мавзуга доир бўлиши;
 - саволдаги сўз ўқувчиларга тушунарли бўлиши;
 - оддийдан мураккабга, соддадан умумийга бориши;
 - “ёпиқ” саволлардан фойдаланмаслик, яъни “ҳа”, “йўқ” ёки “тўғри”, “нотўғри” деб жавоб берадиган, ёхуд дарсликда жавоб тўлиқ акс этган, ўқувчини такрорлашга мажбур қиладиган саволларни ишлатмаслик;
 - ўқувчига шахсий тажрибасига асосланиб жавоб бера оладиган саволларни бериш;
 - ўқувчига ўз фикр-мулоҳазаларини, ўз муносабатини билдира оладиган саволларни бериш;
 - жавоб бера олмайдиган саволларни бермаслик;
 - бирор бир саволга жавоб олганда “нима учун? ”, “нега сен бундай деб ўйлайсан?” деган саволлар билан тез-тез муурожаат қилиб туриш керак;

- синфга ёки ўқувчига савол берганда, албатта, жавобни маълум бир муддат кутиш керак. Баъзида ёрдам бериш тариқасида, саволни бошқачароқ талқинда такрорлаш мумкин. Лекин имкон қадар, жавобни айтмаслик керак;

Интерфаол усуллар хилма хил бўлиб, қайси методни танлаш ўқитувчининг ўтаётган мавзуси, дарснинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ. Она тили дарсларида “Феъл нисбатлари” ни ўтишда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларида, дарсда фаол бўлишларида, ўтилган мавзулар бўйича билимларни чуқур ва мукаммал ўзлаштириб олишларида катта самара беради.

“Гуруҳларга бўлиш”

Ҳозирги кундаги илмий-методик тамойиллардан бири таълим жараёни катнашчилари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашдан иборатдир. Маълумки, инсондаги эзгу сифатлар жамоага қўшилиб фаолиятга киришганда ёркинроқ намоён бўлади. Ҳаётда бўлгани каби ўқиш жараёнида ҳам биргаликда қилинган фаолият кўпроқ самара бериши жуда қадим замонлардаёқ маълум бўлган. Ўқувчиларни гуруҳ қилиб ўқитиш тажрибаси ҳам бежиз пайдо бўлган эмас.

Педагогикадаги ҳамкорлик биргаликдаги таълимни кўзда тутаяди. Бунда ўқувчилар билан ўқитувчи орасидаги ҳамкорликдан кўра ўқувчилар билан ўқувчилар орасидаги ўзаро шериклик таъминланиши кераклиги кўзда тутилади. [50]

Биргаликдаги таълимни йўлга қўйишда ўқув гуруҳи бир неча кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ аъзоси ўзига тегишли ўқув муаммосини тўла ҳал этгунга қадар ишлайди. Гуруҳдаги ҳамма ўқувчилар муаммони биргаликда ҳал этади ёки барчалари ёмон баҳо оладилар.

Тил таълимида ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб иш олиб боришнинг самарали эканлиги ўз исботини топган. Гуруҳларга бўлишни турли шаклларда амалга ошириш мумкин. Жумладан, бир хилдаги кичик

қоғозларга феъл нисбатларининг номлари ёзилади. Қоғозлар ўқувчилар сонига қараб 4 ёки 5 тадан бўлиши лозим. Бу қоғозлар, албатта, стол устига тескари ҳолда аралаштириб қўйилади ва ўқувчилар бирин-кетин қоғозлардан биттадан оладилар. Гуруҳдаги барча ўқувчилар қоғозларни олиб бўлгандан сўнг ундаги феъл нисбатларига қараб гуруҳларга бирлашадилар.

Масалан:

“Аниқ нисбат” гуруҳи

Лола
Акмал
Барно
Азиза

“Ўзлик нисбат” гуруҳи

Дилдора
Дилшод
Жаҳонгир
Нилуфар

Ўқувчилар гуруҳларга бўлингач, ҳар бир ўқувчи ўз гуруҳ номидан келиб чиқиб маълумот тўплайдилар ва биттадан маълумот айтадилар.

Намуна: **“Ўзлик нисбат” гуруҳи**

Дилдора: Бажарувчининг ўзи устида амалга оширадиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли ўзлик нисбат дейилади.

Дилшод: Ўзлик нисбати шакли феъл асосига –(н) –ин, –(л)-ил қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

Жаҳонгир: Унли билан тугаган феъл асосига ўзлик нисбатнинг –н ёки –л, ундош билан тугаган феъл асосига –ин ёки –ил қўшимчалари қўшилади.

Нилуфар: Ўзлик ва мажҳул нисбат шакллари бир хил, лекин улар ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси нуктаи назаридан фарқ қилади.

Бу усулдан фодаланиш ўқувчиларни биргаликда, шерикликда ўқишга одатлантиради, уларда жамоани ҳис этиш туйғусини шакллантиради. Шунингдек, ўзгалар учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади.

“Гуруҳларга бўлиш” усулини янги мавзуни ўтишда ҳам, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда ҳам қўллаш мумкин. Бунда ўқувчилар ўрганилаётган мавзу ёки унинг бир қисмини, бирор назарий тушанчадан фойдаланган ҳолда биргаликда мустақил ўзлаштирадилар ва оғзаки тарзда

жавоб берадилар. Бу каби усуллар ўқувчиларни оғзаки фикрлашга ва ҳозиржавобликка ундайди.

“Ақл машқи”

Бунда ҳар бир ўқувчига қуйидаги кўринишдаги ВТН СТНДН БШЛНД ҳарфларидан иборат тарқатма материаллар берилади, топшириқ шуки, ўқувчилар берилган ундош ҳарфлар орасига унли товушларни тиклаган ҳолда ундаги ибратли сўзни ўқиб, маъносини изоҳлаб беришлари ва асосийси ундаги феъл сўз туркумига оид сўзларни аниқлаб уларни тагига чизишлари керак.

Намуна: ВТН СТНДН БШЛНД – Ватан остонадан бошланади.

Тарқатма материалларга қуйидагича ёзиш мумкин.

БЛБЛ ЧМНН СВР, ДМ ВТНН

ВТНН СВМҚ ЁМНДНДР

ҚШ ЯСД КРГНН ҚЛД

ТЛНГД БЛС БЛНГ, КЛБ ТРР ҚБЛНГ

ЎТЛГН СЗ, ТЛГН Қ.

Дарс жараёнида бу усулдан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага диққат билан ижодий ёндошиш ва яна ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга ёрдам беради.

“Қора қути ”

Бу усулни кўпроқ она тили дарсларида, баъзан адабиёт дарсларида ҳам қўллаш мумкин. Ушбу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Иштирокчиларни махсус, мақсадга мувофиқ қўйилган саволларга ундайди. [20]

“Қора қути” усулида бир ўқувчи чиқиб, ўтилаётган мавзуга доир бирор атамани ёзув тахтасига ёзади. Иккинчи ўқувчидан мана шу атамага доир маълумот сўралади. 2- ўқувчи ёзилган атамани тўғри изоҳлай олса, 1-ўқувчи

жойига ўтиради. 2-ўқувчи юқоридаги тартибни давом эттиради. Шу тариқа барча маълумотлар “қора қути” га йиғилади.

Намуна:

1-ўқувчи: Аниқ нисбат.

2-ўқувчи: Бажарувчиси аниқ бўлган ҳаракат ёки ҳолатни билдирган феъл шакли.

2-ўқувчи: Орттирма нисбат.

3-ўқувчи: Бажарувчининг таъсири билан бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи феъл шакли.

Бу усулни дарсларда ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда фойдаланиш яхши самара беради. Феъл нисбатларига доир бундай топшириқларни бажариш ўқувчиларнинг ўтилган мавзу юзасидан эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини юксалтириш учун хизмат қилади.

“Кластер ”

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларини бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради.

Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштиригунга қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Бу усулни индивидуал тарзда ҳам гуруҳда ҳам қўллаш мумкин. Гуруҳ фаолиятида у гуруҳ ғояларининг тирговичи сифатида хизмат қилади. Бу эса


ўқувчиларни ҳар бир амалда бўлган боғланишларга, алоқаларга яқинлаштиради. [20]

Бу усулда ўқувчиларга варақлар тарқатилади. Уларга ўрганилаётган мавзуга дахлдор барча маълумотлар номини қоғозга бирин-кетин (эсга тушганча) ёзиш тавсия этилади. Сўнг ҳаммасини алоҳида доира орқали ажратиб, бу доираларни чизиклар ёрдамида бирлаштириб, фикрни умумлаштириш кераклиги айтилади. Фикр чиқаришда ўрганилаётган мавзу номидан маълумот доиралари чизиклар ёрдамида бирлаштирилади.

“Тўртинчиси ортиқча”

Бу усулда ҳам ўқувчиларга тарқатма материаллар тарқатилади, унда феъл сўз туркумига оид 4 та сўз ва учбурчак шакли берилади. Топшириқ шуки, ундаги учта маълумот бир-бирига яқин (ёки бир мавзуга оид) битта маълумот эса ортиқча (хато) ёзилган бўлади. Ўқувчилар тўғри маълумотларни аниқлаб учбурчак томонларига ёзиши ва нотўғри (ортиқча) деб топилган сўзнинг тагига чизишлари керак. Бу вазифани бажариб бўлган ўқувчи оғзаки тарзда бунинг сабабини айтиб, изоҳлаб бериши шарт.

Намуна: Майл, нисбат, даража, шахс-сон.



Топшириқларни қуйидагича тузиш мумкин.

1. Мажхул, биргалик, орттирма, хабар.
2. Келишди, бажаришди, бирлашди, ишлашди.

3. Фахрланди, тингланди, пуфланди, чалинди.
4. Сухбатлашди, тирмашди, танишди, тинглашди.
5. Ортмоқ, сезмоқ, ўқитмоқ, ачинмоқ.
6. Илитди, безатди, тортди, ортди.

“Жадваллар устида ишлаш”

Маълумки, дарсларда ўқитишнинг энг илғор педагогик технологияларидан, хусусан, илмий-назарий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган методлардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг эгаллаган билимларини назорат қилиш, уларни мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Дарс жараёни ўқувчиларнинг назарий билимларини назорат қилиш воситаси бўлибгина қолмай, айти вақтда уларнинг билим доирасини кенгайтириш, назарияни амалиётга татбиқ этиш, фикрни эркин ва мустақил тарзда баён этиш малакасини шакллантириш омили ҳамдир. Машғулотларда ўқув дастурлари ва дарсликлардаги мавзуга оид масалаларни ўзбек тилшунослигининг энг сўнгги илмий назарий хулосалари билан бойитиш, уларни ўзаро муқояса қилган ҳолда дарсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Албатта, тил ўрганишга қаратилган бундай амалий машғулотларда ўқувчиларнинг диққат эътиборини тилшуносликнинг энг сўнгги ютуқларига қаратиш уларнинг тил назариясига оид билимларини янада кенгайтиришга ёрдам бериши шубҳасиз. Жумладан, “Феъл нисбатлари” га оид дарсларни ўтишда турли жадваллардан фойдаланиш талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиши билан бирга, уларнинг назарий билимларини янада бойитишга хизмат қилади.

Жадвалларни қуйидаги мазмунда тузиш мумкин.

Қуйидаги жадвални тўлдириш.

1-жадвал.

№	Феъл нисбатлари	Феъл нисбатларининг кўшимчалари
1.	Аниқ нисбат	--
2.	Ўзлик нисбат	-н(-ин), ...
3.	Мажхул нисбат	
4.	Биргалик нисбат	
5.	Орттирма нисбат	

Берилган сўзлар ёрдамида қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Фахрланди, ювинди, келишиди, ўқитди, таранди, бирлашиди, ўйланди, ётқизди, ишлатди, кўрсатмоқ, бажаришиди, ишлашиди, юргизди, ўқиттир, кийилди.

2-жадвал.

<i>Аниқ нисбат</i>	<i>Ўзлик нисбат</i>	<i>Мажхул нисбат</i>	<i>Биргалик нисбат</i>	<i>Орттирма нисбат</i>
<i>фахрланди</i>				

II БОБ

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА НУТҚ ЎСТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ.

Ўзбекистонда ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишнинг давлат даражасидаги масалага айланиши бежиз эмас. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да ҳам шахс эркинлигига, унда мустақил фикрлаш қобилятининг шаклланишига алоҳида эътибор берилган. Чунки фуқаролари эркинлиги таъминланган жамиятда фикр ривожланади. Эркин фикрнинг ривожланиши жамият кучли бўлишининг гаровидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг маданиятлиги, саводхонлиги унинг нутқи билан ўлчанади. Умумий ўрта таълим мактабларида, касб-хунар коллежларида, академик лицейларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш учун кураш барча ўқитувчиларнинг, айниқса она тили ва адабиёт ўқитувчисининг вазифаси саналади.

Ўқувчининг нутқини ўстириш бола мактабга биринчи қадам қўйган кунидан бошланади. Нутқ кўникмаларининг шаклланиши ва ривожини изчил равишда олиб борилган амалий ишлар натижасидагина ҳосил бўлади. Шунинг учун ўқитувчи грамматиканинг ҳар бир бўлимига оид машғулотда ўтилган мавзу асосида ўқувчиларнинг нутқ кўникмасини ўстиришга эътибор бериши лозим. Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш узок давом этадиган жараён. Бунинг учун фақат тил ва адабиёт ўқитувчиларининг эмас, балки барча фан ўқитувчиларининг узлуксиз ва биргаликдаги меҳнатлари талаб этилади. Бу жараёнга бошланғич синфда асос солинади, ўрта мактабда такомиллаштирилади, ривожлантирилади. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида эса ўзининг энг юқори босқичига кўтарилиши лозим. Шунинг учун ҳам, умумий ўрта таълим мактабларида ва академик лицейларда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш учун кураш барча

ўқитувчиларнинг, айниқса она тили ўқитувчисининг асосий вазифаси саналади.

Феъл нисбатларини ўқитишда ўқувчиларнинг “тил сезгирлиги” қобилияти ўстирилади, она тилини билишга қизиқиши оширилади, бу ҳол уларда сўз танлаш, сўзни ўз ўрнида ишлатиш, гапни тўғри тузиш малакаларини ҳосил қилади.

“Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда феъл нисбатларидан фойдаланиш” мавзуси бўйича олиб борган тажриба –синов ишимизда қуйидаги ишларни бажардик:

1. Тажриба-синов ишини олиб бориш учун мактаб танланди; Миробод тумани 93 умумий ўрта таълим мактаби. Унда 63 нафар ўқувчи иштирок этди.
2. Тажриба-синов ишини ташкил этишдан олдин назорат ва тажриба синфлари, яъни, 6 “а” ва 6 “б” синфлари танланди, тажриба-синов машғулотларининг мавзуси “Феъл нисбатлари” деб белгиланди. (Бунда кўпроқ ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш, уларни амалиётга татбиқ эта олиш билан боғлиқ бўлган кўникма ва малакаларини шаклланиши ҳамда ривожига эътибор бердик)
3. Тажриба-синов ишларини ташкил этишда аввало фан ўқитувчиларининг ўзи, сўнг улар ёрдамида ўқувчилар билан олиб борган машғулотларга тайёргарлик кўрдик.
4. Тажриба-синов ишларини ташкил этишдан асосий мақсад феъл нисбатларини бевосита она тили машғулотлари асосида йўлга қуйишдаги шакл ҳамда усулларни амалиётда текшириб, ўқувчиларнинг она тилига оид билими, кўникма ва малакаларини ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини ўрганишдан иборат. Шунинг учун тегишли тарзда ишлаб чиқилган машқлар ҳамда тизимлар тавсия этдик.

(1-иловага қаранг)

Тажриба-синов ишлари ўтказилаётган Миробод тумани 93-мактабда тажриба-синов ишларидан кейин 6 “а” синфидаги 30 ўқувчидан фаол ўқувчилар сони 25 тага етди. Ваҳоланки, тажриба-синов иши бошида уларнинг миқдори 19 та эди. Ўқувчилар бир-биридан гўзал ва таъсирчан мисолларни излашга ва топишга кўпроқ эътибор бера бошлашди. Энг муҳим натижалардан яна бири шундаки, ўқувчилар дарс жараёнида анча жонли ҳаракат қилиб ўзгарди. Уларнинг мустақил тарзда саволарга жавоб қайтариш кўникмалари барқарорлашиб, бу борадаги малакалари ривожланди .

Тажриба-синов ишлари шу нарсани кўрсатмоқдаки, она тили машғулотида феъл нисбатларини ўтишда қуйидаги янги педагогик технологиялардан (“Гуруҳларга бўлиш”, “Тўртинчиси ортиқча,” “Қора кути”, “Илм ороли сари”) фойдаланиш самарали бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқиётган ўқувчилар билан ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, шундай машқлар, топшириқларни тузишга оид кўникма ва малакаларнинг динамикаси қуйидаги тарзда ўзгарди:

Ўқувчилар сони	Тажриба гуруҳи			Ўқувчилар сони	Назорат гуруҳи		
	юқори	ўрта	паст		юқори	ўрта	паст
30	9	10	11	33	10	11	12
%	30%	33,3%	36,7%	%	30,3%	33,3 %	36,4%
30	13	12	5	33	11	12	10
%	43,3%	40%	16,7%	%	33,3%	36,4%	30,3%

Тажриба – синов ишларида 63 нафар ўқувчи иштирок этди. Улардан 30 нафари тажриба синфи ўқувчилари, 33 нафари эса назорат синфи ўқувчиларидир. Ўқувчиларнинг ёши бир хил, билим даражаси эса 3 хил даражада. Уларни юқори, ўрта ва қуйи даражалар сифатида белгиладик. Даражаларнинг кўрсаткичлари эса қуйидагича:

Юқори даража – қоидаларни ўрганиш, машқ ва топшириқларни бажариш, матн режасини тузиш ва бошқаларни кўзда тутадиган машғулотлар натижасида ўқувчи ўрганилаётган материалдаги асосий ҳолатларни тез ва асосли тарзда топа олади.

Ўрта даража – ўрганилаётган материалдаги асосий моҳиятни ажрата олади, асосий моҳиятни келгусида ўрганиши учун ҳалақит бермайдиган айрим хатоликларга йўл қўяди, анализ, синтез, умумлаштириш сингари усулларни ўқитувчилар ёрдамида белгилай олади.

Қуйи даража – одатда бу даражада ўқувчилари ўрганилаётган машқлардаги асосий моҳиятни англашга қийналади, асосий эътиборни иккинчи даражали белги, хусусан, фактларга қаратади, анализ, синтез, умумлаштириш усулларини қўллай олмайди, бунда ҳар доим ўқитувчилар ёрдамига мухтож бўлади.

Тажриба-синов иши бошида тажриба синфи ўқувчиларидан юқори кўрсаткич эгалари 9 та “аъло” ва 10 та “яхши” баҳо олишган бўлса, тажриба сўнгида “аъло” 13 тага, “яхши” 12 тага ўзгарди. Ёки паст кўрсаткич 11 тадан 5 тага камайди.

Оддий математик таҳлилларнинг ўзи қўйилган вазифаларнинг бажарилганини, олға сурилган фаразларнинг эса тўғрилигини яна бир марта исботлаб турибди.

Тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг феъл нисбатларидан фойдалана олишга оид кўникма ва малакаларини ўстиришга, уларни ривожлантиришга имкон яратадиган дидактик материаллардан фойдаланилди. Булар:

1. Ўқувчиларнинг умумий билим ва дунёқарашининг ўсишига омил бўлди.
2. Улардаги нутқий кўникма ва малакаларнинг ўсишига имкон яратди.

Хуллас, тегишли педагогик шароит ва дидактик талаблар уйғунлиги натижасида бундай вазиятни анча жиддий равишда ўзгартириш мумкин

эканлигини олиб борган тажриба-синов ишларимиз тўлалигича тасдиқламоқда.

2.1. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш усуллари.

Маълумки, Республикамиз таълим соҳасида жуда улкан ислоҳатларни амалга оширмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳатлар, давлатимиз иқтисодий қудрати ошиб бориши натижасида жамият ижтимоий соҳасининг марказий бўғини ҳисобланган халқ таълимида ҳам туб ислоҳатлар рўй бермоқда. Ўқувчининг билим савиясига қўйиладиган талаб эса таълим жараёни олдига қўйиладиган ижтимоий талаб билан белгиланади. Она тили таълими олдига қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини эркин ва мустақил фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликка ўргатишдан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда, она тили таълими олдига ижтимоий жиҳатдан мукамал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахсни камол топтириш мақсади қўйилди.

Она тили таълими мақсади педагогик технологиянинг умумий тузилишига мутаносиб ҳолда қуйидаги омилларга боғлиқ:

- она тили таълимига қўйилган умумий мақсад – ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш;
- ўқувчиларда ижодий фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равион ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- она тили таълимининг бош мақсадини ҳар бир дарс мавзуси моҳиятидан келиб чиқиб ойдинлаштириш;
- ўқитишда онгли вербал, когнитив, прагматик таълим усулидан кенг фойдаланиш;

- ойдинлаштирилган мақсаддан кутилган натижани баҳолаш. (Тил ва адабиёт таълими 1998, №1, 42-бет.)

Демак, она тили таълимнинг янги технологияси таълим мақсадини белгилашдан то шу мақсадга эришганлик натижасини баҳолашгача бўлган мураккаб жараённи ўз ичига олади. Она тили таълимида янги педагогик технологияни қўллашдан асосий мақсад ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш; фикрни оғзаки ва ёзма шаклда она тилининг қонун - қоидаларига мос равишда тўғри ифодалашдир. Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда куйидаги топшириқлар тизимини қўллаш самарали натижа беради.

1-машқ. Берилган кичик матнни ўқиб, феълларини топинг, нисбатини аниқланг.

Миллий мафкура халқнинг мақсадларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда инсон руҳи кўтарилади, суянч ва таянч бўлади. У орқали шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб изланади.

2-машқ. Феъл нисбатларини санаб кўрсатинг, кўшимчаларини эсланг. Феъл нисбати нимани ифодалашни ҳақида хулоса чиқаринг.

Топшириқларни бажариш натижасида ўқувчилар куйидагиларни қайта эслайдилар, кўникмага эга бўладилар ва малака ҳосил қиладилар:

1. Аниқ нисбат. “Биз имтиҳонни топширдик” гапида бажарувчи-биз, иш-ҳаракат- топширдик, иш-ҳаракат билан боғлиқ предмет- имтиҳонни.
2. Ўзлик нисбати. “Диёра ювинди, бироз очилди” гапида бажарувчи-Диёра, ҳаракат-ювинди, очилди. Ўзлик нисбатидаги феъл эга билан ифодаланган шахс томонидан бажарилган ҳаракатни билдиради.
3. Мажхул нисбат. “Ошхона тозаланди, идишлар ювилди” гапидаги бажарувчи номаълум бўлса-да, ҳаракат ким томонидандир бажарилгани англашилади.
4. Биргалик нисбат. “Қизлар бувисига қарашди, кир ювишди” гапидаги феъллар ҳаракатнинг бир неча субъект томонидан бажарилишини

билдиради. Бу нисбатдаги феъл биргаликда (ашула айтишди), зидлик билан, қарама-қарши ҳолда бажариш (кўпинча навбат билан бажариш-баҳслашди, тортишди) каби маъноларни ўз ичига олади. Бу каби маънолар гап ичида аниқланади.

5. Орттирма нисбат. “Хатни ўқитди. Машинани юргизди. Кийим тиктирди” гапларида ҳаракатнинг ҳақиқий бажарувчиси бўлса ҳам, ҳаракатни амалга оширувчиси номаълум.

Мисоллар таҳлилидан кўринади-ки, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ акс этса ёки акс этмаса-да, унинг ҳаракати ифодаланади. Бажарувчининг бирор нарса-буюм билан муносабати ҳаракат туфайли амалга ошади.

Юқоридагилардан ўқувчилар шундай хулоса чиқариши керак, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси билан нарса-буюм орасидаги муносабатнинг махсус шаклга эга бўлган феъл орқали ифодаланиши феъл нисбатлари деб аталади.

Баъзан бир феъл ўзак-негизига шаклдош кўшимча кўшилиб, бир хил шаклдаги иккита феъл ҳосил бўлишини ўқувчилар тушуниб олишлари учун уларга қуйидаги мисоллар таҳлил қилиш учун берилади:

Қиёсланг:

Мажхул нисбат

1. Душман орқага сурилди.
2. Жадваллар тайёрланди.
3. Гилам тозаланди, қоқилди.

Ўзлик нисбат.

1. Севара ўрнидан биров сурилди.
2. Шоира йўлга тайёрланди.
3. Дилбар бирдан қоқилди.

Бу нисбатларни бир-биридан фарқлаш учун ўқувчилар ўзлик нисбатидаги феъллар ўтимли феъллардан ясашиб, ўтимсизга айланиши (Масалан: уринди, кўринди, тамшанди, сурилди, қоқилди каби) ҳамда кўпинча, -н (-ин), -л(-ил) кўшимчаси орқали ясалиши, мажхуллик нисбати ҳам айнан мазкур кўшимчалар билан ясашиб, шаклдош сўзлар ҳосил қилса ҳам бу иккала нисбат кўпинча ўзаро фарқланиши қуйидаги мисол орқали кўрсатилади:

Қиёсланг: *таралди-таранди, безалди-безанди*

Шундан сўнг ўқитувчи мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги топшириқларни бериш мумкин:

1-топшириқ. Юқоридаги сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилинг, гап тузинг.

2-топшириқ. Осил, қисил, илин, берил, ёзил, йиғил феъллари билан сўз бирикмалари ва гаплар тузинг. Бирикмалардаги феъллар ўзлик ва мажҳул нисбатларда бўлиши керак.

3-топшириқ. Тузган гапларингиздан ўзлик ва мажҳул нисбатидаги сўзларнинг субъекти (эга)сини аниқланг.

4-топшириқ. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари ва гаплар иштирокида кичик матн (микроматн) тузинг.

Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчилардан феъл нисбатларини фарқлаш юзасидан зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш учун қуйидаги маълумотларни ҳам бериб, улар юзасидан машқлар бажариш мумкин.

“Айрим феълларда аниқ ва ўзлик нисбатдаги феъллар алмашилиб қўлланади: *сўйлама-сўйланма, ўйлама-ўйланма, куйма-куйинма, ишлатди-ишлатишиди.*

Орттирма нисбатдаги феъллар маънони кучайтириш учун ишлатилади: *турғаздир, ўйлантир, егиздир, кийгиздир.*

Биргалик нисбат шаклида кўшимчалар такрори учрайди: *кўришишиди, сўрашишиди.* Мажҳулликни англатувчи равишдош шакли феълларни аниқ нисбатда қўллаш мумкин: *Столга духобалар ётилиб безатилган.*

Бунда асосий мақсад услубий топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фикрни саводли қилиб ифодалаш маҳоратини ўстириш, услубий равон гап тузиш, ижодий матн яратиш малакасини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиши керак.

Бу борадаги энг охирги ўқув қўлланма сифатида “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” ни кўрсатиш мумкин. Қўлланманинг ижобий томонларидан

бири сифатида унда феъл нисбатларини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган машқлар тизимининг берилганини кўрсатиш мумкин.

1. Берилган феълларнинг қайси нисбатга қарашли эканлигини топинг:
дардлашди, егиздир, кўрилди, маъқулланди, қувонди, фахрланди, бормоқчи.

2. Орттирма нисбатдаги феъллар мавзусида тест топшириқлари тузинг.
Қайси қатордаги феъллар фақат орттирма нисбатда?

А. Тўкилди, қувонди, бормоқчи, тошир.

Б. Олинди, орттирди, гапирди, чопди.

В. Ёзишди, кўрсатди, суҳбатлаш, гапир.

Г. Келтир, сўраттир, ташиттир, ёздир.

3. Орттирма нисбатдаги феъллар иштирокида матн яратинг.

1-иш. Берилган феълларни орттирма нисбат шаклидаги феълга айлантинг. Борди, ёзди, учрашди, сўзлади

Намуна: Борди- боргизди, бордиргизди;

ёзди- ёздирди, ёзгизди, ёздиргизди;

учрашди- учраштирди, учраштиргизди, учраштиргизмади;

Сўзлади- сўзлаттирди, сўзлаттиришди, сўзлаштиришди,

сўзлаштиришмади ва ҳ.к.

Умуман, замонавий таълим усулида феъл нисбатларини ўрганиш талабани мустақил ва ижодий фикрлашга, фикрни тўғри, равоқ ифодалашга, сўзлаш маҳоратини ривожлантиришга олиб келади. [58]

“Сирли сандиқ”

Бунда ўқувчилар қутичадан “феъл нисбатлари” мавзусига оид қўйидагича мисоллар ёзилган карточкаларни олади. Карточкаларда берилган гаплардаги нукталар ўрнига керакли нисбат қўшимчаларини қўйишлари керак.

Азиздир бу Ватан тупроғи,
 Азиздир бу Ватан байроғи
 Бу байроқ истиқлол тонгида
 Юкса...ди жаҳоннинг ўнгида. (Т.Илҳомов.)

Нутқ—инсонлар бир-бири билан муомала ва алоқа қилишнинг алоҳида усулидир. Нутқ ўзининг ифодаланиш усулига қараб 2 га бўлинади: оғзаки нутқ ва ёзма нутқ. Шулардан ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, оғзаки нутқ ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Оғзаки нутқ бошқа кишилар билан бевосита алоқа жараёнида фойдаланиладиган нутқдир. Оғзаки нутқ ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади. Гапираётган киши сўз ва грамматик шаклларни махсус танламай сўзласа, бу ҳолда нутқ ихтиёрсиз бўлади. Гапираётган киши ўз сўзлари учун алоҳида маъсулият сезиб гапирганда, шу нутқни тинглаётган киши гапираётган киши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлганда нутқ ихтиёрий характерга эга бўлади. Бунга мисол тариқасида ўқитувчининг нутқини олишимиз мумкин.

Ўқувчилар оғзаки нутқини ўстиришда мақоллардан фойдаланиб куйидаги ишларни бажариш мумкин.

- мақолларни муайян мавзу бўйича гуруҳлаш;
- бирор бир расм мазмунига мос мақоллар ёзиш;
- ўқилган матн мавзусига мос мақол танлаш.

Келтирилган ҳар бир мақолнинг қандай фикр ифодалаши, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида суҳбат ўтказилади. Ўқувчилар уларни шарҳлаш жараёнида нутқига кўрк берувчи, нутқ таъсирчанлигини оширувчи воситалардан бири мақоллар эканлигига ишонч ҳосил қиладилар ва уларни нутқда қўллашга интиладилар.

Масалан: 6- синфда “Феъл нисбатлари” мавзуси ўтилгач, “Айтилган сўз –отилган ўқ” мақолини ўртага ташлаб шундай тошириқ бериш мумкин. Берилган мақол маъносини шарҳланг, ундаги феълларнинг тагига чизиб, қайси нисбатда эканлигини аниқланг. Бундай топшириқни олган ўқувчилар

юқоридаги мақол ҳақида ўз фикрларини айтадилар. Агар синфда 30 та ўқувчи бўлса, уларнинг ҳар бири ўз фикрини айтиб, қолганларнинг айтганлари асосида ўз фикрини янада бойитиб оладилар.

“Ким- тез топар”

Дарс жараёнида “Феъл – сўз туркуми” мавзусини ўтиб бўлгач, мавзуни мустаҳкамлаш учун ҳам мақол ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланиш мумкин. Бунда ўқувчилар 3 гуруҳга бўлиниб, кичик гуруҳлар ўзларига ном танлайдилар. Топшириқ, танлаб олинган гуруҳ номларига мос келадиган мақол ва ҳикматли сўзларни топишлари лозим.

Гуруҳ номлари:

“Феъл нисбатлари” “Феъл майллари” “Феъл замонлари”

Намуна:

“Феъл нисбатлари” гуруҳи - *Айтилган сўз, отилган ўқ.*

“Феъл майллари” гуруҳи - *Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.*

“Феъл замонлари” гуруҳи - *Айбсиз дўст излаган, дўстсиз қолар.*

Мана биз феъл нисбатларини ўтишда мақол ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш усулларида бир нечтасини кўриб чикдик. Энди унинг аҳамиятли жиҳатларига назар ташласак. Агар, мавзуни ўтишда анъанавий дарс туридан фойдаланганимизда ўқувчиларда феъл нисбатлари ҳақида фақатгина тушунча ҳосил қилишга эришган бўлардик. Феъл нисбатлари нутқимизда фаол бўлганлиги учун ўқувчилар бунга унчалик эътибор бермас эдилар. Лекин биз уларга нутқида қўллаётган ҳар бир сўз ёки гапни гўзал тарзда таъсирчан қилиб ифодалаб бериш мумкинлигини исботлаб беришимиз ва бунинг учун ўз нутқида мақоллар, ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланишни ўргатишимиз мумкин. Зеро, шу орқали уларнинг нутқидаги камчиликлар - луғат бойлигининг камлиги ва шунинг учун одатдаги сўзларни такрорлашдан нарига ўтмаслик, дағал ва кўпол сўзларни ишлатиш ўрнига ўз

тилимизда жуда чиройли маънога эга бўлган сўзлардан фойдаланишга ўргатиш бизнинг асосий вазифамиздир.

“Тезюар”

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда яна “Тезюар” методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу метод ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда болаларга етадиган саволлар ёзиб уларни ўқувчиларга тарқатиш лозим. Берилган саволларга тайёрланиб, бирма-бир жавоб бериб оғзаки нутқини ўстириш ва билмаганларини ўрганиш учун вақт бериш керак. Саволлар беришдан аввал ўқитувчи шу нарсага эътибор бериши керакки, берилаётган саволлар ҳар бир болага унинг билим савияси, фикрлаш қобилиятидан келиб чиқиб берилиши керак. Яъни ўқувчиларнинг қобилиятига қараб кучлироқ ўқувчиларга биров қийинроқ (ўйлаб, мустақил мушоҳада қилишга ўргатадиган), кучсизроқ ўқувчиларга эса осонроқ саволлар бериш керак. Мақсад дарс давомида гуруҳдаги барча ўқувчиларни жавоб беришга ундаш ва асосийси уларнинг оғзаки фикрлаш қобилиятларини ўстиришдир. Дарс жараёнида ўқитувчининг саволига жавоб бериб, баҳо олган ўқувчиларнинг руҳияти кўтарилади, фаоллиги сезиларли даражада ортади. Бунда ўқитувчи бир матн олади.

Жумладан:

Соҳибқирон Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, ғурурли, ўткир зехн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни ўрганди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Унинг замонида маданият, илм-у фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топди. А.Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-муруввати, айниқса, авлодлар учун ибратлидир.

Матнни ўқувчиларга ўқиб эшиттиргач, уларнинг оғзаки нутқини ўстириш учун суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида матндаги феълларни аниқлаб, уларнинг қайси нисбатда эканлиги изоҳланади.

Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда “Чархпалак” технологиясидан ҳам фойдаланиш мумкин.

“Чархпалак”

Ушбу технология қисқа вақт ичида ўқувчининг олган билимини ошириш ёки назорат қилишда юксак самара беради. Бу жараёни амалга оширишда ўқувчиларга махсус тарқатма материаллар тарқатилади. Бу технология ўқувчиларни мустақил фикрини баён қилишга ундайди. “Чархпалак” технологиясини ўтган мавзуни мустаҳкамлаш ва уй вазифаларини сўрашда ҳам қўллаш мумкин. “Феъл нисбатлари” ни ўтишда ўқувчиларга тарқатилган жадвалга ўқувчилар берилган қўшимча қайси нисбатга хос бўлса, ўша қаторга қўшиш белгисини қўяди. Қисқа вақт ичида ўқувчининг ушбу мавзуни қай даражада ўзлаштирганини аниқлаб оламиз. Бу технологияни ўқувчилар билан кичик гуруҳларда ёки паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан яқка тартибда ҳам амалга оширишимиз мумкин. (3-иловага қаранг)

“Жадвалли тест”

Бу технология уйга вазифа сўрашда, янги мавзуни мустаҳкамлашда жуда қўл келади. Бу ўқувчилар билан яқка тартибда амалга оширилади. Ушбу методнинг ўзига хос ютуғи қисқа вақт ичида барча талабалар баҳоланади ва бу ўқувчиларни қатъиятлилиқка, ўз фикрини қатъий асослаб беришга ўргатади. Бу технологияни амалга ошириш учун ўқувчиларга махсус тарқатма қоғозлар тарқатилади. Бу технологиянинг ўзига хос томони ундаги тест жавобини белгилаш учун ўқувчида қатъий фикр бўлиши лозим, чунки ундаги жавоблар такрорланмасдир. (Агар ўқувчи бир жавобни нотўғри бажарса, ўз-ўзидан иккинчи хатога йўл қўйган бўлади. Ҳар бир савол ўқувчи

томонидан оғзаки шаклда икки марта қайта ўқилади ва қайси жавобни тўғри деб қабул қилишса, ўша жавобнинг тўғрисига юлдузча (*) белгисини қўйишлари зарур. Ҳар бир жавоб бир балл билан баҳоланади ва шу вақтнинг ўзида барча ўқувчиларнинг билим савияси аниқлаб олинади. (4 - иловага қаранг)

2.2. Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш усуллари.

Маълумки, мустақил ва ижодий фикр юритиш жараёнида ёшларнинг ёзма нутқига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Тафаккур маҳсулини ўз она тилида оғзаки ифодалаш билан бирга уни ёзма ҳолда ҳам тўғри ва хатосиз ёзиш муҳимдир.

Она тили дарсларининг самарадорлик даражаси эса ўқувчиларнинг ўз она тили бойликлари, унинг имкониятларини қандай ўзлаштириб олганлиги билан белгиланади. Ўқувчи ўз фикрини изчил ва чиройли баён қилиб ёзишга ўрганиши учун дарс жараёнида грамматик топшириқлар билан бирга диктантлардан ва турли ёзма нутқни ривожлантиришга қаратилган методлардан ҳам фойдаланиш муҳим.

Жумладан, ўз фикрини ижодий матн тарзида ифодалаш она тили дарсларига қўйилган талабларнинг барчасини ўзида мужасамлаштирган энг самарали усул бўлиб, унда ўқувчининг тафаккури ривожланади, сўз бойлиги ортади ва сўзлардан ўринли фойдаланиш малакаси шаклланади.

Мактаб дарсликлари ва академик лицейлар учун тузилган янги дарстурларда матн тузишга талайгина соатлар ажратилган бўлиб, бу иш ўқувчиларнинг билим савиясига қараб мураккаблаша боради. Ҳар бир ўқувчи маълум воқеа-ҳодисани ифодалаш, фикрни баён этиш учун билим савияси, қобилияти, иқтидори ва сўз бойлигига мос равишда ижодий имкониятларни ишга солади. Ижодий матн ўқувчи томонидан бажариладиган ижодий ишларнинг дастлабки кўринишидир.

Матнда мазмун бирламчи, ҳажм иккиламчидир. Ҳар бир матн маълум бир нарса, воқеа-ҳодисани тасвирлайди, у ҳақда хабар беради, сўзловчининг муносабатини ифодалайди. Шунинг учун матнни баҳолашда аввало унинг мантиқан тўғри қурилганлиги, мазмуннинг сўзловчи ёки ёзувчи мақсадини тўла қамраб олганлиги инобатга олинади. Ўқувчи айтмоқчи бўлган фикрини ёзма тарзда қанчалик тўғри ва равон ифодалай олса, шунчалик тил имкониятларидан нутқий фаолиятда фойдаланиш даражасини юқори баҳолаш мумкин. “Феъл нисбатлари” мавзусини қуйидаги грамматик композициядан фойдаланган ҳолда ўтиш мумкин.

Азиз ўқувчилар! Бугун биз сизлар билан феъл нисбатлари ва уларнинг вазифаларини кўриб чиқамиз.

Даврага “ФЕЪЛ” сўз туркуми ёзувини кўтарган ўқувчи чиқади.

Феъл сўз туркуми: Феъли тор деманг асло,

Феъли кенг бир дарёман.

Иш-ҳаракат билдириб,

Уч замонда келаман.

(Даврага “Ўтган замон”, “Ҳозирги замон”, “Келаси замон” ёзувларини кўтарган ўқувчилар чиқишади.)

Нисбатларим бор беш хил,

Аниқ , ўзлик ва мажҳул,

Биргалик ва орттирма

Бажарувчига маъкул.

(Кўлларига “Аниқ”, “Ўзлик”, “Мажҳул”, “Биргалик”, “Орттирма” ёзувларини кўтариб олган ўқувчилар бирин-кетин даврага чиқишади.)

Аниқ нисбат:

Аниқ нисбат мен ўзим.

Иш-ҳаракатим аниқ.

Ҳеч қандай қўшимчасиз

Келсамда мен кўп таниқ.

Ўзлик нисбат:

Иш-ҳаракат ва ҳолат,
Ўзимда қолур мудом.
Ювинди ва таранди
Ясанди мулла Баҳром.

Мажхул нисбат:

Иш-ҳаракат ва ҳолат
Менда мужмал ва мавҳум.
Қўнғироқ чалинди-ю,
Эшик очилди бир зум.

Биргалик нисбат:

Бўлишди иноқ ва дўст
-ш,-иш қўшимчалари.
Биргаликда ҳаракат
Қилмоқ бўлишди бари.

Орттирма нисбат:

Гердайиб туриб Наби
Талай ишни қилдирди.
Барча юкни бечора
Эшагига орттирди.

Мана азиз ўқувчилар, нисбат ва унинг шакллари қандай вазифани бажаришини билиб олдингиз. Энди ҳар бирингиз мустақил мавзуда матн тузиб, ундаги феъл нисбатларини асосида қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Аниқ нисбат	
Ўзлик нисбат	

Мажхул нисбат	
Ортгирма нисбат	
Биргалик нисбат	

Бундан ташқари, ўқувчиларга матн туздиринида уларга фақат бир сўз ёки гап берилиб, айниқса, атов гапни бериб, шундан бир мазмун ёки воқелик акс эттирадиган матн тузишга кўникма ҳосил қилдириш, уларнинг ўз фикрларини тўлиқ баён этишга йўл кўрсатади. Жумладан, синфдаги ўқувчиларга “Баҳор” мавзуси ҳақида матн тузиш топшириғи берилади. Улар иложи борича бир-бирларидан кўчирмасликка ва мустақил ёзишга даъват этилади. Ҳамма ўз ёзган матнини ўзи ўқиб бериш шарти қўйилади. Ўқитувчи чиройли гаплар тузиб, фикрини тўлиқ баён эта олган ўқувчининг баҳосини эълон қилади.

Ўқувчилар ёзма нутқини ўстириш учун ҳар дарсда 5-6 та гапли матн тузиш топшириғи берилса, уларнинг фикрлаш қобилиятлари ва ёзма нутқи янада ривожланади.

Дарс жараёнида матн асосида грамматик топшириқларни бажариш ҳам яхши самара беради. Жумладан, ўқувчиларга матн берилади ва шу асосида куйидаги жадвални тўлдириш каби топшириқларни бериш мумкин.

“Ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрнини кучайтириш, уни том маънодаги миллий кадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда”. [3.86]

№	Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Орттирма нисбат	Биргалик нисбат
1					
2					
3					

Топшириқни мазмунли, аъло бажарган ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантириб бориш, синфдаги бошқа ўқувчиларни ҳам фаолликка ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларга матн туздиришдан аввал мазкур мавзуга оид баҳс-мунозара ўтказиш, сўнгра матн яратиш мақсадга мувофик бўлади. Бунда академик лицейларда президент асарлари, қарорларидан фойдаланиш талабаларга президент асарлари бўйича мукамал сабоқ олиш имконини беради.

Умумий хулосалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги куннинг ўқитувчи ва ўқувчисига талаблар мезони тамоман бошқачадир. У шунчаки саводи, билими ва қобилияти билан ажралиб турувчи эмас, балки ишбилармон ва ташкилотчи, ижодкор, ўз билим ва малакаларини ҳаётнинг мураккаб шароитларида моҳирона қўллай олувчи, юксак маданиятли бўлмоғи лозим. Ўқитувчи учун вақт-синов, ҳар бир дарс- тажриба, эришилган натижа- сабоқ, таълим тарбияда қўйилган таъмал тоши эса, келажакдир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлайди, айниқса, назарий савиясини оширади, мустақил ва чуқур фикрлашга ўргатади, ижодкорликка чақиради, назарияни амалиёт билан ўз вақтида асосли ва мустаҳкам боғлаш учун хизмат қилади. Айнан замон талабига жавоб берувчи дарсни ташкил қилиш учун, аввало, ўқитувчининг ўзида ижодкорлик, ўз устида тинимсиз ишлаш, қобилият ва маҳорат талаб қилинади.

Дарҳақиқат, ўқитувчилик маъсулиятли ва шарафли касбдир. Биз илмий ишимизда ана шундай шарафли касбнинг яна бир қиррасини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Илмий ишимиз академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6 синфларида “Феъл нисбатлари”нинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга, шу мавзу доирасида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни беқиёслиги ҳақида мушоҳада юритишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот ишимиз кириш, икки боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ишнинг кириш қисмида қуйидагиларга тўхталиб ўтдик:

- баркамол авлодни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масаласи эканлиги;

- оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш муаммолари;
- муаммонинг ўрганилганлик даражаси;
- “Таълим тўғрисида” ги Қонунда белгиланган асосий вазифалар;
- мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг ўрни;
- таълим соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар;
- феъл нисбатлари ҳақида илмий-назарий маълумотлар ҳамда уларнинг тилшуносликдаги талқини ҳақида;
- феъл нисбатларининг нутқда тутган ўрни ва унинг долзарб масалалари.

Ишимизнинг 1 бобида эса,

- умумий ўрта таълим мактабларида (5-6 синфлар мисолида) она тили ўқитиш борасидаги ўзгаришлар;
- она тилидан такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти;
- узвийлик ва узлуксизлик тамойилларининг таъминланиши;
- академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитишнинг олдиға қўйган мақсадлари;
- дарс жараёниға замонавий педагогик технологияларни жорий қилишнинг афзалликлари;
- дарслик билан дастур ўртасидаги мутаносиблик;
- 6-синф она тили дарслигида феъл нисбатларининг ёритилиши;
- академик лицей дарслигининг таҳлили;
- феъл нисбларига оид хусусиятларнинг дарсликда қай даражада ифодаланганлиги ва машқлар таҳлили;
- феъл нисбатларини ўрганишда қўлланиладиган метод ва бериладиган топшириқлар тизими;
- “Туруҳларға бўлиш” методи;
- “Ақл машқи” методи;
- “Қора қути” методи;
- “Кластер” методи;

- “Тўртинчиси ортиқча” методи;

дарсликдаги айрим машқларга янгиликлар киритиш ҳақида мушоҳадалар юритдик.

Илмий ишимизнинг 11 бобида эса қуйидагиларни имкони борича ёритишга ҳаракат қилдик.

- нутқ самарадорлигини оширишдаги тажриба-синов ишлари;
- таълимнинг ривожланишида замонавий педагогик технологияларнинг ўрни;
- она тили дарсларига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш;
- ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини шакллантириш ва билимини мустаҳкамлаш;
- ноанъанавий дарслар;
- умумий ўрта таълим мактаблари (5-6 синфлар) ва академик лицейларда феъл нисбатларини ўқитишда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар.
- “Илм ороли сари” методи;
- “Крассворд” методи;
- “Жадваллар устида ишлаш” методи;
- “Сирли сандиқ” методи;
- “Тез юрар” методи;
- “Чархпалак” методи;
- “Жадвалли тест” методи;
- юқоридаги технологияларни қўллаш жараёнида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга имкон қадар ҳаракат қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент.:Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент.:Шарқ, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент.: Шарқ 1997.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент.:Шарқ, 1997.
5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоралик жамияти барпо этиш—устувор мақсадимиздир. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма маърузаси) Асосий вазифамиз—ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. (2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза) –Тошкент.:Ўзбекистон, 2010.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2009.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент.:Маънавият, 2008.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.-Тошкент.: Ўзбекистон, 1999
9. Абдулахатова Р., Юсупова Т., Досанов К. Тил таълимида узвийлик ва узлуксизлик. -Тошкент.: 2008.
10. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси -Тошкент.: Ўқитувчи, 1996.
11. Абдурахмонов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицей ва касб-хунар коллежи талабалари учун қўлланма. -Тошкент.: Шарқ, 2003.

12. Абдурахмонов Ғ. , Хўжаева Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар учун дарслик. 2-нашр. -Тошкент.: Ўқитувчи, 2005.
13. Абдикулов Т. Бир неча даража кўрсаткичли феълларда орттирма даража. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №4, -Б. 50-52.
14. Абдурахмонов Х., Рафиев А., Шодмонқулова Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. -Тошкент.:Ўқитувчи, 1992.
15. Абдурахмонов М. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Самарқанд, 1999.
16. Абдулаҳатова Р. Она тилидан мустаҳкамлаш дарсларининг самарадорлигини ошириш (илмий методик тўплам) -Тошкент, 1991.
17. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Тошкент.:Ўқитувчи, 1992 .
18. Азизов О. Тилшуносликка кириш. -Тошкент, 1992.
19. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. -Тошкент, 2006.
20. Алавуддинова Н. Ғ. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш. П.Ф.Н .автореф. -Тошкент, 2004.
21. Алибекова М. Феъл нисбатлари ва феъл майллари. // Тил ва адабиёт таълими. 1998, №3, -Б.86-89.
22. Аъламова М. Сифатдош ва ҳаракат номларининг нисбат шакллари. // Тил ва адабиёт таълими. 1995, №1, -Б. 55-56.
23. Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. -Тошкент, 1992.
24. Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Тошкент.:Ўқитувчи, 2000.
25. Баҳромов А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва янги ахборот технологиялари. // Халқ таълими, 1988, № 2, -Б. 51-56.
26. Боровков А.К. Современный узбекский литературный язык.- М.1959,с 707.

27. Лутфуллаева Д., Мавлонова И. Йўқлик ва мавжудликни билдирувчи гапларнинг умумий ва хусусий белгилари. // Таълим технологиялари. 2007, № 2, -Б. 14-15.
28. Маматқулов С. Орттирма нисбат аффиксларининг синонимияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987, №5, -Б. 34-37.
29. Маҳмудов Н, Нурмонов А., Собиров А, Қодиров В . Она тили . Умумий ўрта таълим мактаблари 6-синф учун дарслик. -Тошкент, Тасвир, 2009.
30. Миртожиев М. Мажхул нисбат масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №2, -Б. 31-34.
31. Миртожиев М. -ш (с) формали туб феъллар ва биргалик нисбати формантидаги феълларнинг қиёси. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1987, №1, -Б. 14-19.
32. Миртожиев М. Мажхул нисбат масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №2, -Б. 31-34.
33. Муҳиддин А. Ў. Ўқув жараёнида нутқ фаоллиги. -Тошкент.:Ўқитувчи, 1998.
34. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв- Т, Фан, 1989.
35. Нигматов Х. Феъл нисбатларининг муносабатлари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, №3.
36. Неъматов Х. Ғ. Феъл нисбатларининг муносабати ҳақида. (М.Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари асосида) //Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, №3, -Б. 37-38 .
37. Неъматов Х. Феъл, унинг форма ва категориялари.// Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, №1, -Б. 29-46.
38. Неъматов Х. Феъл, унинг форма ва категориялари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, №4, -Б. 32-36.
39. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. - Тошкент.:Ўқитувчи , 1993.
40. Неъматов Х. ва бошқалар. Ижодий матн устида ишлаш. -Тошкент, 1997.

41. Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларда. -Тошкент.:Ўқитувчи, 1993.
42. Нурмонов А., Собиров А., Қосимова Н. Ҳозирги ўзбек адабий тили Академик лицейлар талабалари учун дарслик. - Тошкент.:Ўқитувчи, 2001.
43. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Қосимова Н. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар ўқув дастур. -Тошкент, 2000.
44. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент, 1995.
45. Она тилидан такомиллаштирилган ўқув дасутури. // Тил ва адабиёт таълими. 2006, №6, -Б. 10.
46. Она тилидан такомиллаштирилган ДТС ва ўқув дастури. // Тил ва адабиёт таълими. 2006,№5, -Б. 17.
47. Раҳматуллаев Ш., Султонсаидова С. Қўшма феълларда ва феъл аналитик формаларида ўзлик, мажхул даража аффиксларининг қўлланиши. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1976, №2, -Б. 12-16.
48. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. -Тошкент.:Университет, 2006.
49. Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси. Тош ДУ илмий асарлар, 268-чиқиш.
50. Ражабова И. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни гуруҳлаштириш ҳақида. // Тил ва адабиёт таълими. 2009, № 9, -Б. 3-11.
51. Расулов Р., Миразизов А. Ўзбек тили. -Тошкент.: Алоқачи, 2005.
52. Рихсиева Г. Нисбат шакллариининг лингвопоэтик тадқиқига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №2, -Б. 75-77.
53. Саидахмедов Н. Педагогикада янгича ёндашиш. -Тошкент, 2002.
54. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Тошкент.:Молия, 2003.
55. Сулеймонова К. Биргалик нисбат шаклининг баъзи бир грамматик ва семантик хусусиятлари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002, №5, -Б. 73-75.

56. Сулеймонова К. Морфологик бирликлар системасида нисбат категориясининг ўрни. Ф.ф.н. дис.автореф. -Фарғона, 2004.
57. Толипов Ў., Усмонбоева М., Эргашева Г., Берданова Ф. Ўқув тарбия жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш. -Тошкент, 2004.
58. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиядова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. (ўқув кўлланма) -Тошкент.:Янги аср авлоди, 2006.
59. Тўхлиев Б., Иноғомова Р., Абдулаҳатова Р. Дарсликлар билан ишлаш методикаси. - Тошкент, 2008.
60. Тўхлиев Б., Иноғомова Р.,Тилавова Г. Сўз туркумлари ва нутқ ўстириш методикаси. -Тошкент, 2008.
61. Тожиев Ё. Феъл даража ясовчиларининг синонимияси. Тош ДУ илмий асарлари. 443-чиқиш, 1973.
62. Фозилов Э. Феъл даража ясовчи аффиксларининг тарихи . // Ўзбек тили ва адабиёти. 1960, №3, -Б. 54-58.
63. Шахобиддинова Ш. Умумийлик –хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши. Ф.ф.док. дис. -Тошкент, 2001.
64. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка.-Ленинград, 1941, 193-195-ст.
65. Юсупхўжаев Ҳ. Ўзбек тили изоҳли луғатида феъл даражаларининг берилиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974, № 6.
66. Юлдашев А.А. Историческое развитие взаимного тюркского глагола.- Советская тюркология, 1980, №4.
67. Қаюмов Б. Янги педагогик технологиялар. - Тошкент, 2004.
68. Гуломов А., Эргашева Б. Она тили машғулотларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш. // Тил ва адабиёт таълими. 2000, №2, -Б. 4-7.
69. Гуломов А. Феъл. -Тошкент. 1954.
70. Ҳожимуротова Д. Феъл орттирма нисбат кўрсаткичи –р, (-ир, -ар) аффиксининг ўрганилишига доир баъзи мулоҳазалар. // Тил ва адабиёт таълими. 1995, №5, -Б. 25-31.
71. Ҳожиёв А. Феъл. –Тошкент, 1954.

72. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008, №1, -Б. 52-55.

73. www.inter-pedagogika.ru.

74. www.school.edu.ru.

75. www.ziyonet.uz.

**Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили йўналиши 2-босқич
магистранти Мавлонова Ироданинг “Ўқувчиларнинг оғзаки ва
ёзма нутқини ўстиришда феъл нисбатларидан фойдаланиш”
мавзусидаги очиқ дарс ишланмаси.**

Мавзу: Феъл нисбатлари.

Дарс мақсади:

1. Таълимий мақсад: Ўқувчиларга феъл нисбатлари ва уларни бир-биридан фарқловчи хусусиятларини тушунтириш. Феъл сўз туркуми бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш;

2. Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларни миллий истиқлол ғояларига содиқлик, она тилимизга чексиз ҳурмат руҳида тарбиялаш;

3. Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, мустақил фикр юритиш, мантиқий мушоҳада қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатиш.

Дарс тури: Ноанъанавий дарс.

Дарс жиҳози: Кўргазмалар, тарқатмалар, жадваллар.

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий қисм. (2 дақиқа)
2. Ўтилган мавзунини такрорлаш. “Ақлий хужум” (10 дақиқа)
3. “Туруҳларга бўлиш”. (8 дақиқа)
4. Дарсни мустаҳкамлаш. “Илм ороли сари” (15 дақиқа)
5. Ўқувчилар билимини баҳолаш. (3 дақиқа)
6. Дарсни хулосалаш. (5 дақиқа)
7. Уйга вазифа. (2 дақиқа)

Ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда “Туруҳларга бўлиш” технологиясидан фойдаланилди.

“Туруҳларга бўлиш”

Тил таълимида ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб иш боришнинг самарали эканлиги ўз исботини топган. Гуруҳларга бўлишни турли шаклларда амалга ошириш мумкин. Жумладан, бир хилдаги кичик қоғозларга феъл нисбатларининг номлари ёзилади. Қоғозлар ўқувчилар сонига қараб 4 ёки 5 тадан бўлиши лозим. Бу қоғозлар , албатта, стол устига тескари ҳолда аралаштириб қўйилади ва ўқувчилар бирин-кетин қоғозлардан биттадан оладилар. Гуруҳдаги барча ўқувчилар қоғозларни олиб бўлгандан сўнг ундаги феъл нисбатларига қараб гуруҳларга бирлашадилар.

Масалан:

“Аниқ нисбат” гуруҳи

Лола
Акмал
Барно
Азиза

“Ўзлик нисбат” гуруҳи

Дилдора
Дилшод
Жаҳонгир
Нилуфар

“Мажхул нисбат” гуруҳи

Умида
Сарвиноз
Элёр
Нафиса

“Биргалик нисбат ” гуруҳи

Дилором
Райҳон
Низомиддин
Мафтуна

“Орттирма нисбат” гуруҳи

Шаҳбоз
Мадина
Шерали
Дилбар

Ўқувчилар гуруҳларга бўлингач, ҳар бир ўқувчи ўз гуруҳ номидан келиб чиқиб маълумот тўплайдилар ва биттадан маълумот айтадилар.

Намуна: “Ўзлик нисбат” гуруҳи

Дилдора: Бажарувчининг ўзи устида амалга оширадиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли ўзлик нисбат дейилади.


Дилшод: Ўзлик нисбати шакли феъл асосига –(н) –ин, –(л)-ил қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

Жаҳонгир: Унли билан тугаган феъл асосига ўзлик нисбатнинг –н ёки –л, ундош билан тугаган феъл асосига –ин ёки –ил қўшимчалари қўшилади.

Нилуфар: Ўзлик ва мажхул нисбат шакллари бир хил, лекин улар ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Бу усулдан фодаланиш ўқувчиларни биргаликда, шерикликда ўқишга одатлантиради, уларда жамоани ҳис этиш туйғусини шакллантиради. Шунингдек, ўзгалар учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади.

Ўқувчилар гуруҳларга бўлингач, қуйидаги чизма асосида “Илм ороли сари” йўл оламиз.



Бу усул юқоридаги чизма асосида олиб борилади. Гуруҳларга бўлинган ўқувчилар ўз қайиқларига чиқиб, «Билим денгизи» орқали 3 та синовдан ўтиб “Илм ороли” сари интиладилар.

1- синов. «Қора қути» усули.

“Қора қути” усулида бир ўқувчи чиқиб, ўтилаётган мавзуга доир бирор атамани ёзув тахтасига ёзади. Иккинчи ўқувчидан мана шу атамага доир маълумот сўралади. 2- ўқувчи ёзилган атамани тўғри изоҳлай олса, 1-ўқувчи жойига ўтиради. 2-ўқувчи юқоридаги тартибни давом эттиради. Шу тариқа барча маълумотлар “қора қути” га йиғилади.

Намуна:

1-ўқувчи: Аниқ нисбат.

2-ўқувчи: Бажарувчиси аниқ бўлган ҳаракат ёки ҳолатни билдирган феъл шакли.


2-ўқувчи: Орттирма нисбат.

3-ўқувчи: Бажарувчининг таъсири билан бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи феъл шакли.


2- синов. “Жадваллар устида ишлаш”. Бунда ҳар бир гуруҳга алоҳида-алоҳида жадваллар берилади.

Топшириқ: Берилган жадвални тўлдиринг.


1- гуруҳ.




2-гурух.



3-гурух.



4-гурух.**3-синов.** Кроссворд ечиш.

1. Бажарувчининг таъсири билан бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи феъл шакллари ... нисбат дейилади.
2. Ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ қайси сўз туркумига оид?
3. Талаффузи бир-бирига яқин, аммо ёзилиши ва маъноси ҳар хил бўлган сўзлар қандай сўзлар ҳисобланади?
4. Нима қилмоқ?, нима бўлмоқ? сўроқларига жавоб бўлиб, шахс ёки нарсаларнинг ҳаракат, ҳолатини ифодалаган сўз туркумини аниқланг.
5. Кишилиқ, кўрсатиш, ўзлик, сўроқ, гумон, белгилаш, бўлишсизлик қайси сўз туркумининг маъно турлари?
6. Бажарувчиси номаълум бўлган ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи феъл шакли ... нисбат дейилади.
7. Боши осмонга етди, оғзи қулоғида, кўз очиб юмгунча юқоридагилар тилшуносликда қандай номланади?

Саволлар.

1. Феъл нисбатлари деб нимага айтилади? _____

2. Феъл нисбатлари нечта ва улар қайсилар? _____

3. Махсус қўшимчага эга бўлмаган нисбатни аниқланг? _____

4. Ўзлик нисбат деб нимага айтилади? _____

5. Қайси нисбат қўшимчаларининг шакли бир хил? _____

6. Бажарувчиси номаълум бўлган феъл нисбатини ёзинг. _____

7. Ортгирма нисбат қўшимчалари қайсилар? _____

8. Ортгирма нисбатнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг. _____

9. Биргалик нисбат деб нимага айтилади? _____

10. Қуйидаги жадвални мисоллар ёрдамида тўлдилинг.

Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Ортгирма нисбат	Биргалик нисбат

“Чархпалак”

Қўшимчалар	Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Орттирма нисбат	Биргалик нисбат	Нисбат қўшимчаси эмас
-иш					+	+
-ни						
-гиз				+		
-дир						
-лар						
-ир						
-ил						
-нинг						
-тир						
-сат						
-ин						
-та						
-киз						
-ғиз						
-т						
-га						
-м						

“Жадвалли тест”

Саволлар	Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Орттирма нисбат	Биргалик нисбат
1				+	
2			+		
3					+
4	+				
5		+			

Саволлар:

1. Қайси нисбат қўшимчаси бир феъл асосига бирдан ортиқ қўшилиши мумкин?
2. Бажарувчиси номаълум бўлган феъл нисбатини аниқланг.
3. Қайси нисбат қўшимчаси ҳаракат номи шакли билан омоним бўла олади?
4. Қайси нисбатнинг махсус қўшимчаси йўқ.
5. Бажарувчининг ўзи устида амалга оширадиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шаклини топинг.

